



“ЗУЛМГА ҚАРШИ 7 КУН” 5- ҲАФТА ВАРАҚАСИ

Ҳурматли ватандошлар!

“Зулмга қарши 7 кун” лойиҳасида фаол иштирок қилиб, ўтган ҳафтада эълон қилган варақачамизни мамлакатимизда тарқатган юртдошларимизга миннатдорлигимизни изҳор этамиз. 7 кун мобайнида УХХ логотиби ва “Ўзбекистонда беғуноҳ мусулмонларни қамоқда чиритаётган раҳбар ким? Ўзбек тадбиркорларини талаётган суюқоёқ аёл ким?” деган саволлар акс этган варақаларимиз мамлакатимиз кўчаларида, хусусан, Тошкент шаҳрида тарқатилгани ҳақида хабар олдик. Тарафдорларимиз ва бошқа юртдошларимиз ушбу варақамизни юртимизнинг бошқа шаҳар ва вилоятларида ҳам фаол тарқатишган, деган умиддамиз.

“Зулмга қарши 7 кун” лойиҳасининг бешинчи ҳафтасида фаолларимиз, тарафдорларимиз, эркинлик ва адолат руҳидаги бошқа юртдошларимизга навбатдаги варақачамизни тақдим этамиз. Бешинчи ҳафта варақасида УХХ логотиби остида “90-ЧИ ЙИЛЛАР БОШИДА ПРЕЗИДЕНТ КАРИМОВ НОННИНГ НАРХИНИ ҲЕЧ ҚАЧОН ОШИРМАСЛИККА ҚУРЪОН БИЛАН ҚАСАМ ИЧГАНДИ. ШУНДАН КЕЙИН НОННИНГ НАРХИНИ НЕЧА МАРТА ОШИРДИ? КАРИМОВ ҚАСАМХҲҲ ЭМАСМИ?!” деган саволни беришни маъқул топдик.

Бу сафарги варақачамизда айнан шу муаммони кўтариб чиқишимиздан мақсад оддий ўзбекистонликларга золим Каримовнинг ваъда ва қасамларини эслатиб, унинг мунофиқ қасамхўрлигини кўрсатишдир. Ушбу савол ватандошларимизга оддий маиший муамоларнинг илдизлари Каримовнинг мустабид сиёсатида эканлигини намойиш этиб, юртдошларимизни тор маиший фикрлашдан озод бўлиб, кенг сиёсий фикрлашга ундайди,

деган умиддамиз. Агар юртдошларимиз ушбу варақачани фаол тарқатишса, кўплаб ватандошларимизнинг қалбига етиб бориб, улардаги сиёсий фаолликнинг ошишига сабабчи бўладилар.

Келинг, шу вазиятда, биз, оддий ўзбекистонликлар, олдимизга ана шу мақсадларни қўйиб, “90-ЧИ ЙИЛЛАР БОШИДА ПРЕЗИДЕНТ КАРИМОВ НОННИНГ НАРХИНИ ҲЕЧ ҚАЧОН ОШИРМАСЛИККА ҚУРЪОН БИЛАН ҚАСАМ ИЧГАНДИ. ШУНДАН КЕЙИН НОННИНГ НАРХИНИ НЕЧА МАРТА ОШИРДИ? КАРИМОВ ҚАСАМХҲҲ ЭМАСМИ?!” деган саволларни юртдошларимизга етказайлик! Ҳар биримиз шу варақачадан ҳеч бўлмаса 7 тасини одам кўп тўпланадиган жойларга ёпиштириб чиқсак, биз ўз озодлигимиз учун жонбозлик кўрсатган бўламиз.

Азиз юртдошлар!

Қуйида ҳавфсизлигингизга оид бир қатор маслаҳатларимизни яна эслатмоқчимиз. Варақачамизни принтердан чиқараётганда ҳамда бекатлар, деворлар ва симёғочларга ёпиштираётганда ўта хушёр бўлишни, иложи бўлса, атрофда ҳеч ким йўқ пайтларда ёпиштиришни тавсия этамиз.

Бир марта варақа ёпиштирган жойингизга иккинчи марта варақа ёпиштирмаганингиз маъқул. Варақаларни бегона одамларнинг принтерларидан, айниқса, компьютер клублари ва интернет-кафелардаги принтерлардан чиқармасликни тавсия этамиз.

Бундан ташқари, варақачамизнинг электрон версиясини компьютерларингизда узоқ сақламасликни, варақачаларни ёпиштириб бўлгандан кейин компьютерларингиздан иложи борица тез ўчириб ташлашни тавсия қиламиз. Қирқиб олинган варақачаларни ёнингизда узоқ муддат сақлаб юрмасликни, айниқса, Тошкент метрополите-



**90- ЙИЛЛАР БОШИДА
ПРЕЗИДЕНТ КАРИМОВ
НОННИНГ НАРХИНИ
ҲЕЧ ҚАЧОН ОШИРМАСЛИККА
ҚУРЪОН БИЛАН
ҚАСАМ ИЧГАНДИ.**

**ШУНДАН КЕЙИН
НОННИНГ НАРХИНИ
НЕЧА МАРТА ОШИРДИ?**

**КАРИМОВ ҚАСАМХҲҲ
ЭМАСМИ?!**

нига олиб тушмасликни, уларни иложи борица тезда ёпиштириб чиқишни маслаҳат берамиз.

Зеро, бугунги кунда Ўзбекистон озодлиги учун курашда эҳтиётсизлик тўғрисида қамалиб, курашдан ташқарида ётгандан кўра, эҳтиёткор бўлиб, озодликда ва аҳоли орасида юриб, кураш майдонида ҳаракат қилиш фойдалидир.

Узимиз учун ҳам, халқимиз учун ҳам!

Келажак ҳафта мобайнида юртдошларимиз “Зулмга қарши 7 кун” лойиҳасида фаол иштирок этиб, Ўзбекистон Халқ Ҳаракати логотиби туширилган ва “90-ЧИ ЙИЛЛАР БОШИДА ПРЕЗИДЕНТ КАРИМОВ НОННИНГ НАРХИНИ ҲЕЧ ҚАЧОН ОШИРМАСЛИККА ҚУРЪОН БИЛАН ҚАСАМ ИЧГАНДИ. ШУНДАН КЕЙИН НОННИНГ НАРХИНИ НЕЧА МАРТА ОШИРДИ? КАРИМОВ ҚАСАМХҲҲ ЭМАСМИ?!” деган саволлар битилган навбатдаги варақачамизни мамлакат кўчаларида ёпиштириб, ватандошларимизни курашга чорлашда Ўзбекистон Халқ Ҳаракатига кўмақдош бўладилар, деган умиддамиз.

**Ўзбекистон Халқ Ҳаракати
ташвиқот бўлими**

Водийларни яёв кезганда,
Бир ажиб ҳис бор эди менда.
Чапар уриб гуллаган боғин,
Ўпар эдим Ватан тупроғин.

Ҳамид Олимжоннинг бу мисраларини билмайдиган ўзбек бўлмаса ҳам керак. Лекин бу мисралар ўтмишда қолиб кетгани ва эндиликда Ватан тупроғини ўпишга қодир ўзбек анқонинг уруғига айланганини эса ҳамма ҳам билавермаса керак. Бугунги давр ўзбекларининг кўпчилиги “Ватан – бу пул”, “Ватан – бу тўй”, “Ватан – бу ош” деб ўйлайдиган бўлиб қолишганга ўхшайди.

Балки бу ошириб юборишдир, аммо айни вақтда – бу ҳақиқат ҳамдир.

“ҚУ-ҚУҒ”ЛАГАН ТОВУҚ ТУХУМ ҚИЛМАЙ ҚҮЙМАЙДИ

Чунончи, Ислом Каримов Сўх анқлавини Қирғизистонга сотмоқчи бўлаётгани ҳақида ёзгандик. Бирор расмий хабар бўлмагани ҳолда, кимлиги ҳам номаълум қолаётган Усмон Ҳақназаров мақоласи асосида. Мана, энди расмий маълумотга ҳам эга бўлдик. 7 февраль куни Қирғизистоннинг Кабар агентлиги Қирғизистон Жукорғи кенгаши «Ар-Намыс» фракцияси депутати Турсунбай Бакир улуга таяниб, бизнинг юртбоши шу йилнинг 18 январь кунида қирғизларга Сўх анқлавини сотиб олишни таклиф қилганлигини тасдиқлади kabar.kg

Демак энди сўхликлар қирғиз папорти олишга тайёрмикан? Ҳар қалай, Қирғизистонда улар учун осон бўлишини башорат қилиш ҳам қийин. Чунки қирғизлар бировнинг қонини тўкишни хуш кўришадиган ва шундан келиб чиқиб сўхликларнинг ҳам уйини қуйдиришлари ҳеч гап эмас. 2010 йилнинг июнь ойида Жалолобод ва Ўшда бўлгани каби. Лекин улар Ўзбекистоннинг Жиззах, Сирдарё ва Навои вилоятларига кўчиб ўтишлари ҳам мумкин, агарда ўз уйини, ўлан тўшагини ташлаб кетишга рози бўлишса. Асло рози бўлишмаса керак! Муаммонинг ечими қайда энди?

Ўзбекларда шундай нақл бор: “Қу-қуғлаган товуқ тухум қилмай қўймайди” дейилади унда. Демак, президентимиз ҳам Сўхни сотмай қўймайди деб ту-

шунсак бўлади. У кишига пул керак. Швейцария ва Швеция банклариди музлатилган пуллари қанча эканлигини Худонинг ўзи билмаса, бандаси аниқ билмайди. Ҳаттоки юртбошининг ўзи ҳам! Ислом Абдуғаниевич бу йўқотилган пулларнинг ўрнини нима биландир тўлдириши керак-ку. Сўхни сотиш мана шу бўшлиқни тўлдириш учун бўлса керак.

Юқорида айтганимиздек, Сўхни Қирғизистонга пуллаш сўхликлар учун маъқул эмасдек. Шундан келиб чиқиб аниқ бир стратегик план ишлаб чиқишимиз лозим. Сўх сотилади, демак уни хар икки томонга маъқул келадиган

қилиб пуллаш керак экан. Сўхликлар ҳам қуймасин, юртбоши ҳам қуймасин. “Ўзбеклар ҳам” дейишга эса ҳожат йўқ. Ўзбеклар қуйиб, қуйиб бадани қотирма бўлиб кетган ва уларни ўт ҳам, сув ҳам олмайди энди. Сўх кимники бўлгани маъқул деган савол туғилади ва бунда анқлав аҳлининг тожик миллатига мансублигидан келиб чиқиб, уни Тожикистон сотиб олгани маъқул десак бўларди. Бу ўринда Тожикистонга моддий ва маънавий ёрдам кўрсатсак ҳам бўлади.

Сўх барибир сотиларкан, уни Швеция ҳукуматига сотиб олишини маслаҳат берсакчи? Агар савдо бунақа тус олса, бундан биринчи навбатда Европада яшайётган ўзбекистонликлар ютади. Айниқса Швецияда ўзбекларнинг каттагина қисми яшайди, улар учун Сўхга бориб келиш, у ерда қариндош-уруғлари билан учрашиш имкониятлари пайдо бўларди. Масалан, у ерда Сўх коммунаси пайдо бўлади. “Коммуна” – шведларда маҳаллий ижроия ҳокимияти дегани, ёки Совет давридаги атамани қўллаб қарайдиган бўлсак, “райисполком” дегани. Сўхда Европанинг бир бўлаги пайдо бўлса ҳамма учун яхши. Шведлар эса пулнинг бетиға қараб ўтирадиганлардан эмас эканлиги яқинда исботини топди. Биргина TeliaSonera уялик телефон алоқалари компанияси Ислом Абдуғаниевичнинг қизига миллаирдлаб пулни пора сифатида бериб юборганидан келиб чиқадиган бўлсак,



бутун мамлакат Сўх учун анчагина маблағ тўлаб бера олишини тушуниб олиш қийин эмас. Юқорида айтганимиздек, ҳукмдоримизга пул бўлса бўлди-да.

Бунинг учун Швециядаги ўзбекистонликлар бир ёқадан бош чиқариб Стокгольмда катта намоишлар ўтказиши ва Сўхни сотиб олишни талаб қилиши зарур. Албатта келгусида Ўзбекистоннинг қолган ҳудудлари ҳам сотилишини ҳисобга олсак, Марказий Осиёда Швециянинг Ўзбекистон деган коммунаси ҳам пайдо бўлишини башорат қилиш мумкин бўлади. Йўқ! Ўзбекистон унқада Лэн бўлади. Ўзимизнинг тилда “ўлка”. Масалан, “Кроснояр ўлкаси” бўларди Совет даврида. Лэнлар эса коммуналарга бўлинади.

Бордию, Сўхни сақлаб қолишга ҳаракат қилсакчи? Масалан, Ўзбекистоннинг ўлик депутатларининг танларига қаердандир жон кириб Ислом Абдуғаниевичдан “бу нима қилганинг” деб сўрай олишармикан? Асло йўқ! Балки Ислом Каримовга инсоф битиб қолар? Игнанинг кўзидан туя ўтишига ишониш мумкину, аммо Ислом Каримовга инсоф битишига ишониб бўлмайди. Аммо олдинда қутилаётган хоинликнинг олдини олишнинг яна ҳам яхши бир йўли бор. Ўша қу-қуғлаётган товуқнинг баҳридан ўтиб юбориш керак бўлади. Шунда Сўх ҳам, Ўзбекистон ҳам ўзбекларнинг ўзига қоларди. Лекин бу йўл биз учун жуда қалтис йўлда. Қийин! Бошимизни бирлаштира олмайдиган ва “анву ундай қилди, манаву бундай қилди” ларга ўрганиб қолган халқимиз ахир. Қандай бўларкин, бу сифатимиздан кечсак?

Тўлқин Қораев

(М.Абутовга мактуб)

Ассаламу алайкум
Муҳаммадсолиҳ ака...

Мен Тошкентданман, алҳамдулиллаҳ мусулмонман, этганингиздек, Ўзбекистондан Каримовни режими деб, динимизни сақлаш учун чиқиб кетганимиз. Сизларнинг сайтни, ҳаракатингларни анчадан бери кузатиб бораман, сизни ва Муҳаммад Солиҳ акани жуда ҳурмат қиламан, ҳаттоки, бу йил ҳажда у кишини кўрдим Арафотда, ёнларидан ўтиб кетдим-да, таниб, қайта кўришиб, бироз суҳбатлашдик, ва ҳурсанд бўлдим шундай одам билан бевосита суҳбатлашганимга, тем более, иккаламиз ҳам эҳромда эдик, алҳамдулиллаҳ...

Мен у кишига бўлган ҳурматим янада ошди, негаки, у киши тоғни тагида, ёлғиз сув ичиб турган эканлар!

Субҳоналлоҳ, лаънати Каримов

ЎХҲНИ ДУО ҚИЛИБ ТУРИБМИЗКИ, АЛЛОҲ НУСРАТ БЕРСИН

уларнинг бошларига \$2 млн бераман деган, яна қанча душманлари бор одам, лекин машоАллоҳ, у Аллоҳга таваққул қилиб, ёлғиз ўзлари чеккада бир ўзлари тургандилар...

Қуришганингизда салом деб қўйинг менинг номимдан, мени ўшанда шерикларим қутишаётганди, ҳали намоз ўқимагандик, шунинг учун бемалол гаплашолмадим, ва уйимизга меҳмонга чақириш, ҳеч бўлмаса телефонимни бериш эсдан чиқибди, кейин Туркларнинг орадан қидирдим Мадинада, топмадим, ўша узримни ҳам айтиб қўйинг, илтимос...

Сизнинг ҳам шеърларингизни ўқиб тураман, айниқса, «Мен ўлимдан

қўрқмайман, нутфадан бўлган жаллод» деган шеърингизга қойил қолганман... Қисқача биографиянгизни ҳам ўқиганман, ҳам спортсмен, ҳам мусулмон биродар бўлганингиз учун, имомлик қилганингизни ўқиб, яна-да сизга ҳурматим ортган.

Ҳўп, асосий масалага келади-ган бўлсак, дастурингларни ҳам ўқиб чиқдим...

Лекин... бир ... Узр-ку, мен унақа баҳо берадиган катта одаммасман, лекин... аниқ бир пичоққа илинадиган нарса топмадим, тўғрроғи аниқ бир план йўқ. Балки уни ҳавфсизлик жиҳатидан сайтга ёзмагандирсизлар...

(Давоми кейинги саҳифада)

КАРИМОВГА ҚАРШИ КУРАШНИНГ 3 АСОСИЙ МОТИВИ



Усмон Ҳақназаров ва Намоз ака Нормўминнинг мақолалари ҳар доимгидек мазмунли ва чуқур мушоҳада юритишга мажбур қилади бизларни. Ташаккур сизларга.

Эркин сайловлар орқали бу «одам»ни енгиб бўлмайди, чуққи Марказий сайлов комиссияси ЎХХнинг ёки чет элдаги бошқа бир мухолиф ҳаракатнинг номзодини асло рўйхатга олмайди. Бу нарса амалга ошганда, 20 йил ичида ошарди! Аксинча, режимнинг барча ҳатти-ҳаракатлари айнан шундай йўл билан ҳокимиятга келишини сал аввалроқ тўсди, жуда яқин ўтмишда эса батамом йўқ қилди. Бу тўғрида ўйлашнинг ўзи эндиликда абсурд! Битта йўл қолди. У ҳам бўлса «Ўзбек баҳори»ни келтириш, яъни кўчаларга чиқиш, «ўша золим, ботил ва қаттол одамни» ушлаб, захматқаш халқнинг ихтиёрига топшириш. Бунга ҳали озроқ муддат бордек. Бизларга ЎХХ идеяларининг халқ орасида пропаганда қилиш етишмайроқ турибди.

Бу жараёни тезлатиш ҳақида бош қотириб ўтириб, миямизга битта фикр келди.

ЎХХ ўзининг телеканали ёки радиоканалига (рус ва ўзбек тилларида олиб бориладиган) эга бўлиши керак эмасмикан! Майли кунига бир соат эфирга узатилсин. Ўзбекистон телерадиокомпанияси кечаю-кундуз анави золимга (отини айтишга жирканадиган бўлдиқ, ё тавба!) ишлаб, одамларни ҳақиқий гоилар ва қўйларга айлантириб бўлди — атроф жим-жит, фақат чалғи ушлаб турган мурдалар кўринмайди.

Бу ишни амалга ошириш жуда муҳим. Ҳозир 2013 йил, телекоммуникацион технологиялар қанчалик ривожланиб кетди. Варақа тарқатиш ҳам яхши иш, самарадан холи эмас, бироқ уни теле ва радио орқали эфирга узатиладиган эшиттиришлар ва кўрсатувлар билан биргаликда олиб бориш керак. Спутник антенналари мамлакатда бисёр. Тошкентда электр ўчирилмайди. 3,5 миллион одам яшайди. Одамлар бири иккинчисига айтиб, курашнинг эффекти кучлироқ бўлар эди.

Молия масаласи муаммодир.

Битта вариант борга ўхшайди. Швеция прокуратураси яқинда музлатган ГИК га 276 миллион доллар микдо-

рида берилган порани бу эзгу мақсад сари йўналтириш лозим (ўтган йили ҳам музлатилганди қўшимча 30 млн). Тўғри-да, Ўзбекистондаги режим ўзбек халқини меҳнатини нотўғри баҳолаб, аслида бўйнигача унга қарздор бўлиб бўлган. Демак бу музлатилган пулларни халқнинг кўзини очиш, сиёсий онгини оширишга хизмат қилиши — пул миқдорини халққа қайтаришнинг энг адолатли ва тўғри йўли бўлган бўлар эди!

Мабодо шведлар ёрдам беришмаса, улардан хафа бўлишга асос йўқ, Телиасонера можаросини анча ойдинлаштириб беришди, шунга ҳам раҳмат. Бу ҳолда молиялаштиришнинг бошқа йўлини қидириш керакмикан. Режимдан дакки еб, чет элларда юрган пулдор ватандошларимиз кўп. Қолаверса, бизлар ҳам бу ерда қараб турмаймиз (стипендиямизни назарда тутмаяпмиз).

Биз ўзбеклар учун конспирация устаси Исҳак Мирзоқандов/Ицхак Конт (никобланган фамилияси Ислом Каримов)га қарши аёвсиз кураш олиб боришимиз учун 3 та мотив мавжуд:

1) Миллий — ўзи ғайри миллат вакили бўлиб, онгли равишда ўзбекларни қулларга айлантирди (Россия ва Қозғистонда). 2010 йил июнда Ош шаҳридаги қирғиз-ўзбек қирғинига асосий муаллиф бўлди. Энди эса Ўзбекистон тахтида ташқи можароларга аралашмасдан ўтиришини давом эттириши учун Сўх худудини пулламоқчи экан.

2) Диний — мутлақо ғайридин бўлиб, мусулмонларни турмаларда чиритди, ўлдирди ва шу йўналишда янги режаларни ишлаб чиқмоқда. «Ҳизбут таҳрир» ни мамлакатимизга Исроил ва Тошкентдаги имом Анвар Турсунов кўмағида импорт қилди. 1999 йил феврал ва 2005 йил май қонли воқеаларини «назоратдаги операциялар» сценарийси бўйича бошидан охиригача саҳналаштирди, уюштирди.

3) Ижтимоий, иқтисодий, маданий — шунча азоблар бериб, қанча бойлик тўплашида унга ғинг демаган ҳақиқатда ҳам қўйдек ювош халқни хор қилди, аёлларини мардикор қилди. Мамлакат олтинини Европа банкларида, уранини Исроилга ташиди. Газини эса Хитой ва Россияга берди. Мустақил телеканалларни кўрмаслиги учун вилоятлардаги ўзбекларни электрдан мосуво этди. Бошқаришни осонлаштириш учун содда халқнинг 90 фоизини артист, яъни сурнайчи, думбирачи, карнайчи, уйинчи, доирачи, скрипкачи ва ғижжакчи қилди.

Мана шу одамларни яна асл ҳолига қайтариш учун бизларга Hotbird каналлари тизимига қирувчи теле ҳамда радио канали керак!

Талабалар

ЎХХНИ ДУО ҚИЛИБ ТУРИБМИЗКИ, АЛЛОҲ НУСРАТ БЕРСИН



(Давоми боши олдинги саҳифада)

Лекин, бизда ҳам алам, ҳам ватанга соғинч, ҳам ачиниш, ҳам... ҳаммаси бор...

Аллоҳга қасамки, Аллоҳдан сўраяпман, иншоаллоҳ бизнинг юртларгаям фатҳни, нусратни бергин, тезроқ бир ҳаракатлар, жиҳодлар бошлансинки, мени ўшаларни ичида қилгин, ғозий бўлиб кириб борайлик ўзимизнинг ватанга... Қочиб, беркиниб, соқолни олиб эмас, очикчасига эркин, қўлимизда қурол билан бориб, эзилган ҳалқимизга ёрдам берадиганлар ичида қилиб қўй, ўз қўлим билан зоналарнинг ментларини, бичларини ўлдириб, биродарларни озодликка чиқарай, қучоқлашиб кўришайин мазлум биродарларим билан, мазлума опа-сингилларимни, отасини кутаётган жиянларимни қувончига шерик бўлайин, деб кўп-кўп сўраяпман...

Муҳаммадсолиҳ ака, бунақа қуруқ митинг билан бирор нарсага эришиш қийин-да, бу лаънати Яҳуд Каримов бекорга отиб ташлайди, тутдек тўқади ҳалқимизни, ундан кўра ақллироқ иш қилиш, конкрет Араб давлатларидақа қуруқ билан, тактика билан, ҳийлалар билан жанг қилиш керак. Менинг, тўғриси авваламбор Аллоҳдан-у, қолаверса Толибонлардан умидим каттароқ, иншоАллоҳ ҳаракатни бошлашса, бизиниллаҳи Аҳад, қўшиламан, ёки ғозий бўлиб қираман, ёки насиб қилса, энг улуғ мақомга — ШАҲИДЛИККА — эришаман...

Дуо қилинг сиз ҳам, биродар, ниятигма Аллоҳ етказсин...

Сизларнинг ҳаракатга, ҳозирги ҳамма кўрқиб юрганда, ЎХХ аъзоларининг варақалар тарқатишига қойил қолиб, дуо қилиб турибмизки, Аллоҳ нусрат берсин, ҳаммамизнинг ниятимиз бир, лекин ҳар хил йўлдан бормоқчимиз, Аллоҳ дилимизни ҳам ҳақда бирлаштирсин, ўзбек халқи ҳам бирлашадиган, шижоатли, мард, руҳияти ҳам жисмоний ҳам кучли халқ бўлайлик...

Асосийси ниятимиз фақат Аллоҳ розилиги учун бўлсин, ер, тупроқ учун эмас, иймонимизни сақлаш, аёлларимизни, қизларимизни ҳимоя қила оладиган бўлайлик, сўтак бўлиб ўтиб кетмайлик дунёдан...

Ассаламу алайкум ва роҳматуллоҳ ва баракатуҳ !!!

tayanch.com (баъзи имловий тузатишлар билан берилди)

Ўзбекистон Республикасининг Молия Вазирлиги томонидан 2012 йил Сурхондарё вилояти Бойсун туманига 13 миллиард сўм миқдорда маблағ ажратилган эди. Бу маблағ ҳисобидан, туманнинг иқтисодий, ижтимоий ва кишлок хўжалигини тубдан ўзгартириш ҳамда янги иш ўринларини ташкил этиш мақсади кўзланган эди...

да, Олимхон эшон суд ҳукмига кўра, 5 йилга озоликдан маҳрум этилди...

Қолган маблағларни ўзлаштириш давом этган бу иккала мансабдор шахслар, яъни Бойсун туман ҳокими Панжи Тангриев ва туман “Халқ банки”нинг бошлиғи Шукруллохон Омонов “иш”ни давом этказиб келганлар. Маблағни ўзлаштириш мақсадида, икки томон-

хокимни қатнашишини!” деб суд ва прокуратура органларига кўрсатма берсада, суд залида судья ва прокурор “кар” ва “гунг” бўлиб қолдилар...

Кичик корхона бошлиғи Олимхон эшон бобо қамокда бўлишига қарамасдан, шикоят аризалари ёзишни давом эттирмоқдалар. У кишининг биринчи марта судланганлиги инобатга

ЎН УЧ МИЛЛИАРД СЎМ МАБЛАҒ ҚАЁҚҚА “УЧДИ?”

Аmmo... Бизга бу масала юзасидан сўз очган, Боҳодирхон эшон бобонинг сўзига қараганда: “Бойсун туман “Халқ банки”га 13 миллиард сўм миқдорда маблағ келиб тушиши керак эди. Бирок “юкори”нинг топшириғига кўра, 13 миллиард сўм маблағнинг ўрнига, 10 миллиард сўм келиб тушган. Амалдаги ҳужжатларга кўра, “13 миллиард сўм миқдордаги маблағ Бойсун тумани “Халқ банки”га ўтказилди” деган қоғозни кўриш мумкин холос. Бу маблағнинг 3 миллиарди эса, тепада ўтирган амалдорлар томонидан “арра” қилинган. Қолган 10 миллиард сўм маблағ эса, Бойсун туман ҳокими Панжи Қобулович Тангриевнинг ихтиёрига қолдирилган.

Туман ҳокими ўзининг курсдоши, туман “Халқ банки” бўлимининг бошлиғи Шукруллохон эшон бобо Омонов билан ҳамкорликда ўзаро жиноий тил бириктиришиб, “2 миллиард сўм миқдордаги маблағни, “Чор-Чинор” кичик корхонасининг ҳисоб рақамига ўтказилди...” деган “пустой бланка” орқали амалга оширган.

Лекин... бу корхонанинг раҳбари Олимхон эшон бобо, 2 миллиард сўм маблағни олмаганини суд ва прокуратура органларига ваз қилиб кўрсатса-



лама яъни, туман ҳокимияти ва банк маъмурияти ходимлари ўртасида «ўзаро шартнома ва турли ҳил тадбирлар ишлаб чиқилган».

Буларнинг ҳаммаси фақат қоғозда. Амалда эса, бу маблағлар бошқа йўналиш бўйича ўзлаштирилиб юборилган. Маблағ бугунги кунда бормийўкми, бу ёлғиз Аллоҳга маълум.

Негадир туман прокурори Шухратжон Мавлонов бундан хабардор бўлса-да, жим-жит. Бечора Олимхон эшон бобо судда ва прокуратура органлари билан жон-жаҳди билан курашиб, “Менинг айбим йўк. Ҳаммасини ҳоким уюштирган.

Ўшанинг иши. Талаб қиламан судга

олиниб, “енгил” жазо билан алмаштирилди. Яъни, Президент амнистиясига кўра, 5 йилдан 2 йили олиб ташланган холос. Қолган 3 йилини қамокда ўтказадиган бўлди. “Емаган сомсага пул тўлаш” кишига алам қилар экан...

Ҳозирги кунда “Халқ банки” бошлиғи Шукруллохон эшон бобо жуфтакни ростлаб, қочиб кетган. Қаёққа кетган? Ҳозирча маълум эмас.

Туман ҳокими Панжи Тангриев эса, ўзининг “Эпикка” енгил машинаси билан ишга бир келиб-кетадилар. Қолган кунларини эса, уйда “маззам йўк” деб кўрпа тўшак қилиб олган. Шу десангиз, “хокимнинг бурни ва оғзи ҳамда... жойидан қон кетмоқда” деган гапни эшитиб қолдим. Ҳалқимизда бир мақол бор. “Ранг кўр — ҳол сўр”, жаноби ҳоким бобомизнинг аҳволи жуда ҳам оғирга ўхшайди. Афтидан шундай ҳулосага келиш мумкин-ки, ҳоким жаноблари, “сувдан курук чиққан одам”га ўхшаб, касаллик баҳонаси остида “нафақа”га чиқиш режасини тузган кўринади. Ўзлари 44 баҳорни қарши олган бўлса-да, қариллик “пенсияси”га чиқиш орзусида эканлиги кишини ажаблантиради.

Энди бу ёғи нима бўлади? Ёлғиз яккаю-ягона Аллоҳ билади!!!

Фахриддин Тиллаев



Мен ўзимнинг мурожаатимга кўра: “Менинг икки нафар фарзандим бор. Ёлғиз онаман. Турмуш ўртоғим вафот этган. Яшаш шароитим оғир. Мен ҳеч жойдан нафақа ҳаққи олмайман. Болаларимни боқиш учун, бир парча нонга зорман. Менинг “қора қозоним қайнатилиш учун”, пахта ёғи, совун, шакар, ун шунга ўхшаш маҳсулотларни берсангизлар.

Энди туғишни билган одам, боласини боқишни ҳам олиш керак...” деб маҳалла посбони ва раислари оч-яланғоч мардикор аёлни куч ишлатиб, идорадан чиқариб юборишганлар...

“Мардикорлар Касаба Уюшмаси”нинг вакили Фахриддин Тиллаев унга: “Маҳалла раиси ва посбони устидан шикоят қилиб, туман прокурорига мурожаат қилинг.

ОЧ-ЯЛАНҒОЧ МАРДИКОР АЁЛГА КИМ МАДАД БЕРАДИ?

2013 йил 3 февраль куни тунги вақт билан яъни, 21-00да Сурхондарё вилояти Қумқўрғон тумани “Қ.Йўлдошев” маҳалласига қарашли бўлган, “Тайпан” қишлоғида яшовчи фуқаро Алиқулова Ихлим томонидан, “Мардикорлар Касаба Уюшмаси”нинг вакили Фахриддин Тиллаевга телефон қилган.

Унинг сўзига қараганда: “Мен Ўзбекистон Республикаси Президенти И. А. Каримовга, Қумқўрғон тумани ҳокими Э.Бобоқуловга ва ўзим яшаб келаётган маҳалла раисига мурожаат қилганман.

Мен оч-яланғоч мардикор аёлман...” деб мурожаат қилган. Ўзбекистон Республикаси Президенти аппарати, Қумқўрғон туман ҳокими Э.Бобоқуловга юборган. Ҳоким жаноблар бўлса, ўз навбатида, “Тайпан” қишлоқ маҳалла раиси номига юборган.

Маҳалла раиси эса, “Мен маҳалла томонидан Сизга ҳеч қанақанги ёрдам кўрсата олмайман. Сиз ўзингиз ва боларингизни қандай боқшингиз учун, мен масъул шахс эмасман...”

Агар туман прокурори маҳалла раиси ва посбонига нисбатан чора кўрмаса.

Унда икки фарзандингиз билан, Қумқўрғон тумани ҳокимияти биноси олдида, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 33-моддасига асосланиб, пикетга чиққинг.

Бу Сизнинг конституциявий ҳақ-ҳуқуқларингизга кирази...” деб масалаҳат берган.

ЎҲҲнинг Тошкентдаги маҳсус муҳбири

“МУСТАҚИЛЛИК ЁШЛАРИ”ДАН НАФРАТЛАНАМАН!

Бундан бир йил олдин Ўзбекистонда фаолият юритувчи бир жамғарманинг ташкил қилгани бир лойиҳа доирасида, бошқа журналист ҳамкасбларим қаторида, республиканинг учта вилоятига сафар уюштириб, у ердаги ўрта мактаб, лицей ва коллежларнинг битирувчи синфлари ўқувчиларига журналистика асосларидан дарс бера бошладик.

Аввалига журналистика курсларида иштирок этишни истаган ёшларни суҳбатдан ўтказиб, кейин танлаб олинганларга журналистика асосларини тушунтирдик. Ишонасизми-йўқми, уч вилоятда ўтказилган суҳбат ва дарслар давомида ёшларимиз фикрларини тинглаб, уларнинг дунёқарши бир хил даражада жирканч ва манкурт эканлигига амин бўлдим.

Бундай аянчли хулосага илк суҳбатлар давомида келганман. Мисол учун, биз ташриф буюрган илк вилоятда (номини айтмайман, чунки баъзи маҳаллийчи нодон кимсалар қуйида ёзадиган маълумотларимни ўқиб: “Ўзи фалон вилоятидагилар шундай бўлишади”, — дейишади) ўтказган суҳбатларимиз давомида журналистика дарсларида иштирок этиш истагида бўлган ёшларга: “Журналистика курсларида иштирок этишдан мақсадингиз нима?”, “Агар келажакда журналист бўлмасангиз, нима қиласиз бу курсларда қатнашиб?”, “Агар келажакда журналист бўлсангиз, вилоят ҳокими ёки республика президенти билиб ёки билмасдан хато қилишса, уларни танқид қила оласизми?” каби саволларни бердик.

Суҳбатларимизнинг биринчи қунида олдимизга Отабек исмли бир йигит кирди. У билан бўлиб ўтган савол жавобни қуйида диалог шаклида келтираман:

- Отабек, журналистика курсларида иштирок этишдан мақсадингиз нима?
- Журналистика қандай касб эканлигидан, унинг сир-асрорларини ўзим учун билиб қўймоқчиман.
- Ўзим учун билиб қўймоқчиман, дегингизми? Журналист бўлиш истаги йўқми сизда?
- Йўқ.
- Ким бўлмоқчисиз унда?
- Камида — Бош вазир, а так — президент бўлмоқчиман.
- Бош вазир ёки президент бўлишдан мақсадингиз нима?

- Юртимизнинг тинчлигини кўролмаётган ваҳждийларни, исломий террорчиларни ҳамда мухтарам юртбошимизга қарши бўлган бошқа ғаламисларни дунёнинг ҳамма ерида ушлаб, қириб ташламоқчиман.

- Отабек, бу ишларни қилиш учун журналистикани ўрганишнинг умуман кераги йўқ. Мақсадларингиз шу экан, Сизни бу курсларга ололмаймиз!

- Нега энди?! Президент ҳамма нарсани билиши керак: фермерликни, ишлаб чиқаришни, иқтисодни, кишлоқ хўжалигини, сиёсатни, динни. Президент бўламан деган одам журналистикадан ҳам хабари бўлиши керак! Илтимос мени олинган дарсларингизга!

- Хўп. Журналистиканинг сир-асрорларини ўзим учун билиб қўйишим керак, дегингиз. Журналистиканинг бир сирини айтаман сизга: журналист ҳеч кимдан кўркмаслиги, фақат ҳақиқатни ёзиши керак. Бу жуда оғир иш.

- Мен ҳеч кимдан кўркмайман, ҳаммани тўғри гапни айтаман ўзи!

- Бўпти, сизга бошқача савол берамиз. Тасаввур қилинг: сизнинг орзуингиз ушалай, Ўзбекистонга президент бўлдингиз. Президент бўлиб ишлаяпсиз. Кутилмаганда журналистлардан бири ёки кўпчилиги сиз чиқарган у ёки бу қарорни қоралаб, сизни танқид қилишди. Шунда сиз нима қиласиз?

- Шу журналистни ёки журналистларни СНБга ва Ички ишлар вазирлигига айтиб, қамаб ташлайман!

- Ие, нега энди?

- Жиннимисизлар? Президентни танқид қилиб бўладими?!

- Президентни танқид қилиб бўлмайди?

- Албатта, йўқ!

- Тасаввур қилинг: журналистлар орасидан шундай “жинни” чиқиб қолди. Нима қиласиз?

- Айтдим-ку боя, қаматтираман деб.

- Агар шу танқид қилган журналист сиз билан мана шу курсларда қатнашиб, кейинчалик журналист бўлиб кетган курсдошингиз ёки мактабдошингиз бўлса-чи?

- Бўлса бўлибди курсдошим, мактабдошим. Барибир қаматаман.

- Нега қаматасиз, сабаби борми?

- Айтдимку, президентни танқид қилиб бўлмайди деб.

- Президент хато қилса ҳам, уни танқид қилиб бўлмайди?

- Президент хато қилмайди!

- Мана, бошқа давлатларда журналистлар мамлакат президентини танқид қилишади-ку. Шулардан ўрнак олсангиз бўлмайди?

- Улардан ўрнак олиб бўлмайди, чунки улар бизнинг ота-боболаримиздан қолган урф-одатларимизга, миллий кадриятларимизга, ўзбекчилигимизга тўғри келмайди.

- Отабек, кечирасиз, келажакда журналистларни қаматиши мумкин бўлган ўқувчиларни курсларимизга ололмаймиз. Яхшиси сиз журналистика курсларида эмас, президентлик курсларида таҳсил олинг. Хайр!

Ишонасизми-йўқми, бир вилоятда ўтказган уч кунлик суҳбатларимизда жами 50-60 нафар йигит-қиз билан суҳбатлашган бўлсак, улардан 40-45 нафари мана шундай жирканч жавоблар бериб, манкурт фикрларни айтишди. Ўзбек ёшларининг аксарияти Каримов диктатураси томонидан аллақачон зомбига айланиб улгурганини кўриб, ҳаммамизни оғир бир пессимизм, энгиб бўлмас бир умидсизлик эгаллади.

Ўйлаб кўринг: эрта-индин ана шу зомбилар мамлакатнинг турли соҳаларига эгалик қила бошласа, бугунги кундан миллион чандон ваҳшийроқ диктатурага асос солишади!

Улар фикрлар хилма-хиллиги, сўз эркинлиги, очиклик, демократия деган тушунчалардан умуман йироқлар.

Иккинчи вилоятга уюштирган сафаримиз чоғида Мансур исмли бир йигит: “Агар юртбошимиз ҳақидаги ёмон гапларни отам ёки онам айтса, мен уларни ҳам МХХга олиб бориб топшираман!” деб, ҳаммани лол қолдирди. Шахсан ўзим шу йигитнинг юзига тупуриб юборишимга сал қолди. Мустақиллик даврларида вояга етаётган ўзбек ёшларида манкуртлик ва зомбилик қанчалик даражада илдиз отиб улгурганини тасаввур қиляпсизми?! Агар Ўзбекистоннинг келажиги шу ёшларнинг қўлида бўлса, ишонаверинг: Ўзбекистон – келажиги тубан давлат!

Учинчи вилоятда журналистика курсларини ўтиш биз учун ҳақиқий азобга айланди. Чунки биз замонавий журналистика қонун-қоидаларини, журналистик материаллар тайёрлашнинг илғор усулларини қанчалик ўргатмайлик, ўқишга танлаб олинган йигит-қизлар берилган топшириқларни ҳозирги каримовча журналистика мактаби қоидалари бўйича тайёрлашдан чарчамадилар. Ёзган ҳар бир материалда улар “Мухтарам юртбошимизнинг эътибори ва ғамхўрлиги туфайли”, “мамлакатимизда олиб борилаётган изчил ва кенг ислохотлар самараси ўлароқ”, “мустақиллик шарофати билан”, “юртимизда минг йиллик анъаналаримиз, миллий урф-одатларимиз тикланиб бораётгани кўзларимизни қувонтириши баробарида” каби қолип ва штамп сўз бирикмаларини ишлатавериб, ҳафсаламизни пир қилишди.

Ишонасизми, ўша вилоятда ташкил қилинган журналистика курсларида қатнашган атиги 15-20 нафар ёш манкурт ва зомбиларга биз, тажрибали журналистлар, энгилдик! Бир ой давомида уларни замонавий журналистикага ҳам, сўз эркинлигига ҳам – ҳеч нарсага ўргата олмадик!

Курсларимиз сўнггида эса бир тингловчимизнинг отаси олдимизга келиб: “Қалби пахтадай оппоқ мурғак қалбларни, болаларимизни нималарга ўргатаёпсизлар ўзи? МХХнинг подвалига тушгиларинг келиб қолдимми?” деб, пўписа қилганини айтмайсизми?!

Шу хизмат сафарлари ва воқеалардан кейин мен ўзбек ёшларидан кўрқа бошладим. Ҳар сафар кўча-кўйда кўрганда, улар орасида минглаб Ислом Каримовлар етишаётган илон тухумларига ўхшатдим. Узоғи билан 10-15 йилдан кейин бу тухумлар ёрилиб, уларнинг ичидан минглаб қонхўр қотиллар, еб-тўймас ҳаромхўрлар, бешафқат зомиллар чиқиб, Ўзбекистонни ҳаробага айлантириши ҳеч гап эмас!

Шунинг учун мен келажакда Ўзбекистонга мустақиллик даврларида ўсиб-ўлғайган каримовпараст зомби ёшлар эмас, ўтган асрнинг 80 йилларида ёш бўлган, Горбачевнинг “қайта куриш” даврларида шаклланган авлод бош бўлишини Аллоҳдан сўрайман.

Абдурахмон САИДОВ

ЎХХ САЙТИ ХАБАРИНИ ҚИРҒИЗ ДЕПУТАТИ ТАСДИҚЛАДИ



ЎХХ сайтида илк бор У.Ҳақназаровнинг И.Каримов Сўх анклавини Қирғизистонга сотиш тадоригини кўраётгани ёритилганди ва бу мавзу Қирғизистон Республикаси Жўқорғу Кенгаши минбаридан туриб ҳам эълон қилинди. Бу ҳақда Қирғизистоннинг «Кабар» Ахборот агентлиги сайтида пайдо бўлди:

«Ўзбекистон президенти 2013 йил 19 январь куни Сўх анклави Қирғизистонга сотилиши мумкинлиги ҳақида маълум қилди. Бу ҳақида Жўқорғу Кенгша мажлисида «Ар-Намыс» фракциясидан депутат Турсунбой Бакир ўғли сўзлади. Унинг айтишича, анклавнинг Қирғизистонга ўтказилиши мумкинлиги айнан кўшни мамлакат раҳбари томонидан кўтарилган. «Шу билан бирга анклавнинг нархи бир неча миллиард доллар миқдоридан белгиланди. Анклав, шубҳасиз, бизники

бўлиши керак, лекин биз уни сотиб олиш билан эмас, балки балки худуд айирбошлаш билан кўриб чиқишимиз керак» деган депутат.

ЎХХ сайти журналисти Т.Қораев депутатнинг бу баёоти тафсилотларига аниқлик киритиш мақсадида «Кабар» АА га мурожаат қилди:

Салом кадрли ҳамкасблар!
Мен Ўзбекистон Халқ Ҳаракати журналисти Тўлқин Қораевман. Менда бир савол бор эди ва унга сизлардан жавоб олишни истардим. Сизнинг сайтингиздаги мана бу маълумот kabar.kg нафақат мени, балки кўпчиликни, айниқса, хориждаги ўзбек диаспорасини ҳам қизиқтириб қолди. Бу маълумот қаердан олинган? Биз депутат Турсунбой Бакир ўғли ҳақиқатан ҳам шундай баёот қилганига шубҳа қилмаймиз, аммо бизда бу сўзларнинг айтилганлигига тасдиқ йўқ. Депутат мазкур баёотни қилган вақтда сизнинг журналистларингиз ҳам иштирок этишдимми, ёки бу маълумотни бошқа манбалардан олганмисиз?

Менга жавоб берсангиз сиздан миннатдор бўлардим.

Ҳурмат ила Тўлқин Қораев.

Ва мана бундай жавоб олдик:

Салом Тўлқин!

Ҳа, Т.Бакир ўғли Жўқорғу Кенгаши мажлисида Сўх анклави бўйича

сўзлаганида, бизнинг журналистларимиз у ерда иштирок этишмаётганди. Бу – қизиқарли баёот. Балки бу унинг фантазияси бўлиши ҳам мумкин, аммо бу гапни у Жўқорғу Кенгаши мажлисида туриб айтди. Шу сабаб ҳам бунини чоп этишга қарор қилдик.

Гоҳида бунақа ишлар ўз-ўзини тиар қилиш мақсадида ҳам қилинади.

«Кабар» АА

Сўх анклави сотиладимми, ёки йўқ, бу савол кўпчиликда пайдо бўлса, эҳтимол. Албатта бунини келажак кўрсатади, лекин Республика президенти Ислоҳ Каримовнинг бу ҳатти-ҳаракати Ўзбекистон республикаси Жиноят кодексининг 157-«Ватанга хиёнат» моддасига тўғри келади ва у йигирмай йил муддатга озодликдан маҳрум этилиши лозим. Ўзбекистон Олий суди президентнинг хоинлигига қандай қараркин энди? Балки уни қамоққа олиш учун санкция берар? Йўқ! Ахир бу Ўзбекистон ва унда И.Каримов яқка ҳоким, яқка хўжайин ва Ўзбекистон судларига худди мана шу хўжайин суяк ташлайди. Ит эса ҳеч қачон ўзига суяк ташлаётган қўлни тишламайди.

ЎХХ хабар маркази

СЎХ САРОСИМАДА

Президент И.Каримовнинг Сўх анклавини сотишни кўзлаган махфий режаси фош бўлиши оқибатида анклавдаги вазият тобора таранглашиб бормоқда. Эслатиб ўтамиз, мазкур махфий режа ҳақидаги мақола илк бор сиёсатшунос Усмон Ҳақназаров муаллифлигида УХХ сайтида эълон қилинган эди. Махфий режада Сўх анклавини Қирғизистонга сотиш ва маҳаллий аҳолини Ўзбекистон ичкарасига кўчириш ёки Қирғизистон фуқаролигига ўтказиш кўзланган.

Кейинроқ бундай маълумотни Қирғизистон парламенти депутати Турсунбой Бакир ўғли ҳам тасдиқлади.

Биз шу баёотга изоҳ беришни сўраб, икки кун тинимсиз телефон қилиб, депутат билан боғланишга уриндик. Аммо ндепутатнинг на ўзи ва на ёрдамчиси телефонга жавоб берди.

Аммо «Кабар» ахборот агентлиги ҳам Турсунбой Бакир ўғлининг бу гапни парламентда

айтганини тасдиқлади.

Рустам Азимов билан шерик Сўхдаги контрабандачилар гуруҳи аҳоли орасида «Сўх сотилади» деган гапни тарқатгани оқибатида сўхликлар орасида саросима кучайган.

Куни кеча Сўх ҳокими маҳаллий аҳоли билан учрашув ўтказиб, тинчлантиришга ҳаракат қилган. «Қирғиз матбуотида ишонманг», деган.

Олинаётган хабарларга кўра, аҳоли орасида «Ҳеч қаерга кўчмаймиз, керак бўлса урушамиз», дейтганлар жуда кўп. Олти-та қишлоқ (Сўхи поён, яъни қуйи Сўх қишлоқлари) аҳолиси Тожикистонга қўшиламиз деган кайфиятда. Қирғизлар билан ўзаро муносабат таранглашиб бормоқда.

Бундан ташқари, Сўхда Ўзбекистон МХХ ходимлари кўпайиб кетгани ҳам айтилади, яна бир манба эса нотаниш ўрислар кўпайиб кетганини маълум қилди.

ЎХХ хабар маркази

ТИНЧ ҚҰЙИНГ БИЗНИ



Халқимни ахволи хароб бўлди. Орзу умидлари сароб бўлди. Бахтлиқдан бахтсизли сароб бўлди. Тинч қўйинг энди қийнаманг бизни. Бечора болалар бўлмоқда сағир. Тул аёл ахволи унданда оғир. Бўлмангиз энди бунча тош бағир. Тинч қўйинг энди қийнаманг бизни. Хаёлан ҳақиқат излаб кездик. Адолат йўқлигин қалбан сездик. Хаёт ташвишидан буткул бездик. Тинч қўйинг энди қийнаманг бизни. Ўзга юрт халқимни эзиб кетишди. Хайвон деган номни бериб кетишди. Сиздан ёрдам кутиб ўлиб кетишди. Тинч қўйинг энди қийнаманг бизни.

Одноклассники.ру дан
Водийлик Иигит

Ўзбекистондан янги хабарлар келмоқда. Энди қамалиш навбати банк раҳбарларига келибди.

Ҳар қандай диктаторлик мамлакатларида аҳвол айни шундай, бунда ҳукмдорлар атрофида гирдикапалак бўлганингиз билан, вақти келиб, ўша ҳукмдор сизнинг ҳам бошингизни ейди.

Ўзбек сиёсий муҳолифати қувғин ва таъқидларга олина бошлаган 1995-96 йилларни хотирлайлик. “Бирлик” ва “Эрк” аъзолари миллатчиликда ва сиёсий экстремизмда айбланиб қамоққа ташланарди. Унда ҳам одатдагидек ҳол, яъни сиёсий муҳолифатчилар наркотик олиб юргани, ёнларида наркотик модда топилгани учун қамоққа олинар, кейинроқ уларнинг “миллатчи унсурлар” эканлиги “аниқланиб қоларди”.

ётганини, келгусида бундан ҳам баттар қийноқлар, қамоққа олишлар содир бўлишини баралла айта бошлади. Лекин эл сукутда бўлди ва улар учун жон куйдирмади. Ахир улар “ваҳҳобийлар” эмасди-да.

Яқин ўтмиш тарихимизга назар ташланадиган бўлса, “ваҳҳобийлар” ортидан “Ҳизбуттаҳрирчилар”, кейинчалик кимгадир Қуръон ўқишни ўргатганлар, инсон ҳақлари курашчилари, сиёсий муҳолифатга аралашиб қолганлар ҳам, мустақил журналистлар, умуман кимники ҳукумат ёқтирмаса, айни ўшалар Ўзбекистон жиноят кодексининг 159-, 244-моддалари билан айбланиб жазони ўташ колонияларига юборила бошланди. Эл эса жим эди.

Мен индамадим, ахир яҳудий эмасдим. Кейин, улар менинг ортимдан келганларида энди норозилик билдириш учун бирор кимса қолмаганиди».

21-асрдаги ўзбеклар ва ўзбекистонликлар аҳволига бир қаранг. Униси бунисининг мушқулига аралашмади, бирининг бошига офат келганида, бошқаси тек турди. Оқибат нима? Ҳаммининг навбати келаяпти ва қамоқ-лагерларга юборилаяпти. Банк раҳбарлари қамалаётган эканлар, яқин орада уларнинг муовинлари ҳам қамалади. Ундан ташқари Республикада милиция идоралари раҳбарлари ҳам, прокурорлар ҳам қамалаяпти. Чунки ҳозирда навбат уларники. Навбат МХХ ходимларига ҳам келади ва оқибатда, маҳкумларни қийнаб, ҳузур ҳаловатда яшаётган қамоқхона раҳбарлари, уларнинг муовинлари ва хизматчилар навбати ҳам етиб келади.

Мақсад нима ўзи? Каримовнинг бир мақсади пул бўлса, яна бири – ҳокимиятни ўз қўлида сақлаб қолиш. Ўзбекистон дунёда энг тубан кўрсаткичлари билан “машҳур” бўлди ва энди дастурхонни силкитиш даври келган кўринади. Мамлакатнинг юз фоизга коррупциялашгани, қийноқлар кўлами ортгандан ортиб бораётгани, иқтисод инқирозга учрагани ва ҳукумат уни яширишга ҳаракат қилаётгани – булар ҳаммаси мамлакатнинг дунё саҳнасидаги обрўсига путур етказиб келаётганди. Диктаторнинг ҳаром дастурхонидан туз еб юрганлар энди ундан тўкиб юборилади. Ислоҳ Каримов ўз қизини ҳокимиятга қўйиш истагида ва буни ҳам амалга оширади, агарки бизда бирор ўзгариш содир бўлмаса.

Шундоқ ҳам юртда ҳамма маҳкум. Шўрлик ўзбек ўз ватанида ғарбликларнинг ити эга бўлган ҳуқуқларга ҳам эга эмас. Лекин шунга ҳам шукроналар қилиб яшайди. Тегирмон навбат билан деганларидек, навбат билан ҳаммангиз диктаторнинг сизга атаб қургани “курортларида” бўлиб қайтасиз. Нега бизнинг имомлар Немёллер каби фикрламайди? Нафақат улар, бошқалар ҳам айни шундай. “Биз ундайлардан эмасмиз” деб ўтираверамиз. Куни келади, азиз ватандош, чет эллардаги ўзбеклар ҳам Ўзбекистон турмаларига бемалол олиб кета бошланади. Унга ҳам шароит яралади ва бу тегирмонга тушиш навбати бизга ҳам келади.

Тўлқин Қораяев

ТЕГИРМОН НАВБАТИ БИЛАН



Биров сўрамади: “Нима қилаяп-санлар, нима ҳақларинг бор тухмат қилишга?” деб. Лекин ҳар ким ўзи учун экан.

Айтадилар-ку: ўзинг учун ўл, етим! Етим ҳолида қолган сиёсий муҳолифат гуруҳлари вакиллари-нинг тақдири бировни ташвишга солмаган экан, бу одамлар ўзини алдарди: “Мен бирликчи, ёки эркинчи эмасман, нима қиламан аралашиб?”.

У даврлар ўтди. Навбатдаги қама-қамалар мавсуми 1998-99 йилларда диний уламолар устида кўланка бўлиб айлана бошлади. Одатан улар “ваҳҳобийлик” да айбланишарди. Ўзбекистон Жиноят кодексининг бирор моддасида “ваҳҳобийлик” деган модда йўқ. Бироқ ўнлаб, балкида юзлаб одамлар бунақа юқоридан ўйлаб топилган жиноятда айбланишарди. Ажабо, бу “жиноятчилар” ҳам наркотик олиб юрган ҳолда қўлга олинади ва кейинчалик уларнинг ваҳҳобий экани “аниқланиб”, турмаларга ташлана бошлади. Ўзбек муҳолифати вазият ёмонликка томон кета-

Милицияга, МХХ га ишга кириш учун ошиққанлар қанча бўлди? Банкларда, солиқ идораларида ишлаш учун кимларга пора бериб, юрганлар қанча бўлди? Кўпчилик қандай қилиб бўлмасин, яшаб қолишга интилди.

Бу ҳол, албатта, мамлакатдаги диктатор режимини қониқтирарди. Балки диктатор куни келиб уларнинг ўзига ҳам душман бўлиб қолиши, уларни ҳам қамоққа ташлаши мумкинлигини биров хаёлига келтирмасди. Шундай кунлар келди.

Германиядаги протестантлик черкови роҳибларидан бири Мартин Фридрих Густав Эмиль Немёллернинг тарихга кирган сўзларини эслаб ўтайлик. Биринчи жаҳон уруши йилларида сув ости кема-си командир бўлган Немёллер урушдан сўнг роҳибликка ўтганди.

Иккинчи жаҳон уруши даврида эса Адольф Гитлер режими Германиядаги протестантлик черковига ҳам таъқиқ қўйганда, у қамоққа олинган, турли концентрацион лагерларда бўлиб, 1945 йилда Англия-Америка қўшинлари томонидан озод этилганди.

«Нацистлар коммунистларнинг ортидан келганида мен жим эдим. Ахир мен коммунист эмасдим. Кейин улар социал-демократлар ортидан келди, мен жим эдим, ахир мен социал-демократ эмасдим. Кейин улар касаба уюшмалари фаоллари ортидан келишди ва мен жим эдим. Ахир мен касаба уюшмаси аъзоси эмасдим. Кейин улар яҳудийларни излаб келишди.

ГАЗЕТА КИМНИКИ? ЁКИ «ЁЗУВЧИ» ПРОКУРОРЛАР

Ўзбекистонда оммавий ахборот воситалари мустақиллигини таъминлаш, давлат бошқаруви органлари устидан жамият назоратини кучайтиришга қаратилган бир неча қонун ва қарорлар бор. Аммо амалда бунинг тескариси бўлса-чи?!

Бойсун туман ҳокимлигининг ижтимоий-сиёсий нашри бўлмиш «Бойсун» газетаси тахламларини кўздан кечирсангиз, бир неча йиллардан буён бу даврий нашрнинг айрим давлат органлари босими остида фаолият кўрсатиб келаётганига амин бўласиз.

Аниқроқ айтадиган бўлсак, биргина туман газетаси бўлган бу нашрнинг ҳар сони нафақат туман прокурори ва ходимлари, балки Сурхондарё вилоят прокуратураси бўлим прокурорлари, ҳатто бошқа туман прокурори ёки департаменти ходимлари қаламига мансуб жинойт материаллар билан «безатилади».

Бу мақолаларда ўғирлик, фирибгарлик, давлат мулкни ўзлаштириш, номусга тегиш, қотиллик ва бошқа тур жинойтларни қандай қилиб моҳирона амалга ошириш, терговга чап бериш, айбни яшириш, жазодан

кутилиб қолиш ва ҳоказо тафсилотлар баён этилган. Ўз қонунларини билмайдиган, билса ҳам амал қилишдан чўчидиган бечора газета раҳбарияти ноилож...

Энди эътибор қилинг. Камина ёшлар онгини заҳарлашдан бошқага ярамайдиган, ёлғон маълумотлар билан тўлиб-тошган «Бойсун» китобини таъқиқлаш ва қайта нашр этиш борасида Ўзбекистон Фанлар Академияси, Президент ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиш академияси ҳамда мабуот ва ахборот агентлигининг хулосаларига таянган ҳолда аниқ далиллар асосида кичик бир мақола тайёрлагандим.

«Бойсун» газетасининг лавозимдан тушгунча лозимни туширишни афзал билувчи муҳаррири Х.Қараев тиш-тирноғи билан қарши туриб, асосиз ҳолда уни нашрдан қолдирди. Сабаби оддий: мазкур китобни маблағ билан таъминлашда туман ҳокими «жонбозлик» кўрсатган, газета раҳбарияти эса ҳоким бувани «ота» деб атайди. Энди ўзингиз ўйлаб кўриб жавоб қилингчи, мен чаласаводнинг ёшлар онгини сохта тарих билан



булғамасликка қаратилган куюнишларим муҳимми ёки вилоятнинг энг фаол журналиста «айланиб» бораётган бир неча прокурорлари ёзаётган жинойт ишларими?

Айтганча, менинг ўша мақоламни «Карвон қўнғироғи» номли республика газетаси чоп этди.

«Бирор газета чиқарсин, кейин кўчириб босамиз», дея ваъда қилган муҳаррир Х. Қараев тагин лафзини бузиб, «ота»сининг тазйиқидан қўрққанча «думини тугди». Ундан ҳам ёмони, фарзандларимиз турпитуман жинойт тафсилотлари билан бирга кутубхоналарда, мактабу коллежларда бетакрор юртимизнинг сохталаштирилган тарихини ҳам ўқимоқдалар! Бу яхшими ё ёмон – келажак кўрсатади.

Зар СОБИРОВ

ЎЗБЕКИСТОН АҲОЛИСИНING (БАЪЗИЛАРИНИING) ҲОЛАТИ...



(Сиёсий ханда)

Бозорларда тижоратчиларга жойларни давлат сотибди. Озроқ вақт ўтгач, ҳаммадан жойларни тортиб олиб, бир оз таъмирлаб, яна сотибди. Халқ индамай қайтадан сотиб олибди.

Вақт ўтиб, яна тортиб олиб, дўкончалар қуриб, янгидан сотишни эълон қилибди. Баъзилар «сотиб олмайлик ўзимизни жойлар эди, талаб қилсак қайтариб беради», дебди. Лекин бошқалари бўлса «савдо қилишга қулайроқ жойни тезроқ олиб олиш керак» деб, ҳеч кимга билдирмай, тезда қайтадан пул тўлашни бошлабди. Бу ҳақда миш-мишлар эшитила бошлагач, «пул тўламайлик қайтадан» деганлар ҳам сотиб олишни бошлабди. Шундай қилиб, дўконлар тўлиб савдо бошланибди. Бозорларни бошқарганларни эса ҳовли-жойлари замонавий бўлиб қад кўтарибди. Сўнг яна кўпроқ халқдан пул

шилиш учун, бозорга киришда пул тўлаб кирадиган қилишни жорий қилибди. Эшик олдида соқчи қўйилиб, кирувчилардан пул ундира бошлабди.

Бош бўлганлар халқни норози бўлишидан ҳадиксираб, эшик олдидаги соқчидан: «Нима гаплар, халқ нималар деяпти, норозиликлар борми?» деб сўрашибди.

Соқчилар, «Йўк,

хаммаси жойида, ҳеч ким шикоят қилмаяпти. Миқ этмай тўлашяпти» дебди.

Шунда бошқарувчи, «Унда бозорга киришда ҳам, бозордан чиқишда ҳам пуллик қилиб кўямиз» дебди.

Янги қарор эълон қилиб, дарвоза олдида осиб қўйилибди. Халқ яна жим...

Бозорга киришда алоҳида, чиқишда алоҳида тўловларни тўлаб, савдосини қилаверибди. Халқ сукутда ва сабрда...

Шунда бошлик яна бозор соқчисини чакириб, «хаммаси жойидами, ҳеч ким норози эмасми?» деб сўрабди.

Соқчи «хаммаси жойида, халқ индамай киришга ҳам, чиқишга ҳам алоҳида-алоҳида пул тўлашяпти» дебди.

Қориндор бошлик қотиб қулибди ва «Энди янги қарор, дарвозадан чиқаётганда сотувчиларни орқасига бир тепки тепилади» деб, янги қарор чиқарибди.

Янги «тепки ҳақидаги» қарор эълон қилиниб, амал қилиш бошланибди. Бозордан чиқаётган халқни орқасига соқчи бир тепки тепар эмиш, халқ бўлса бозордан чиқаверишда навбат кутиб, тепки еб, пулни тўлаб кейин кўчага чиқиб, уйига кетар экан...

Орадан 5 кун ўтгач, яна бошликлар хавотир қилишибди, халқ норози бўлиб кўтарилиб кетмасин.

Бир халқни тўлаб, «қийинчиликлар йўқми?» деб сўрайликчи дебди. Халқ тўпланибди. Бошлик чиқиб, «Эй аҳоли, эй тижоратчилар! Бозоримизда барча қулайликлар ярагилганми? Яна нималар қилиб берайлик? Муаммолар йўқми?» деб сўрабди.

Халқ ЖИМ-ЖИТ, миқ этмай, «хаммаси жойида, қулайликлар етарли, савдо қилиб юрибмиз, давлатимизга, Президентимизга ташаккур!» дейишибди. Қоринбой бошлик тиржайиб халқ устидан қулиб турган экан, орқароқда бир қўл кўтарган йигитга кўзи тушибди. Юзидаги жилмайиш, қўргув аралаш ғазабга айланибди. Ва хавотир ва дўк охангида «хўш, нима саволингиз, нима талабингиз бор?» дебди қориндор бошлик.

«Ман, ман талабим йўк. Таклифим бор эди» дебди титроқ овозда бояги йигит.

Энди дадилроқ овозда «Гапирингчи, бир эшитайлик», дебди қориндор бошлик йигитга ўқрайган кўзларини тўғрилаб. Шунда йигитча оғиз жуфтлаб «Таклифим, бозордан чиқишда узун навбатда кутиб қолаяпмиз, шунга илтимос, тепки берувчи соқчиларни кўпайтириб қўйсангиз» дебди...

Исахон

ТАБИЙЛИК ВА СУНЪИЙЛИК ХУСУСИДА

«Ирқчилик табиий, демократия эса сунъийдир» деб ёзилган улкан шiori кўриб қолдим Норвегия пойтахти Ослонинг машҳур музейларидан бири бўлган Вигеланд музейи деворида. Бу шior Осло марказидаги бу музей деворида атрофдаги аҳолининг нақадар «табиийлик» шайдоси эканлигига далил сифатида бир ҳафтага осилиб турди ва кейин ғойиб бўлди.

Аҳолини «табиий» бўлишга, самимиятга, ичидагини яширмасликка чақирувчи бу шiorдаги сокин ифода услуби ҳайратланарли эди. Бу шior орқали бақириб-чақиршишга ҳеч эҳтиёж йўқ эди, гўё жамоат шу ерда, яқингинада, ушбу шior атрофида жамулжам эди. Ҳатто, айтиш мумкинки, бу сўзлар шивирлаб айтилаётгандай эди гўё — бегона қулоқлардан бири бу сўзларни эшитиб қолишидан қўрқилгани учун эмас, балки, ўқувчи ва шior ўртасида ҳеч қандай масофанинг йўқлигини намойиш этиш учун, бу сўзларнинг интимлигини, ичкилигини, бир миллатнинг мутлақо «шахсий» бўлган ҳаётига доирлигини бошқаларга писанда қилиш мақсадида ҳам шивирлаб айтилаётгандай эди гўё.

Албатта, табиийлик буюк бир неъматдир. Масалан, «сунъий» бўлган демократия чегараларини тан олмайдиган ва бир қопогон кўппак сингари «табиий» бўлиш орзусида ёнган норвегиялик ирқчи террорист Брейвик юзга яқин бегуноҳ ўспиринларни қатл этаётган пайтида вужудда ана шундай ваҳший «табиийлик» сурурини ҳис қилган бўлиши керак.

Ёки ўспиринлар учун ўйлаб топилган «Рус-брус» номли автобусга чиқиб олган ўнлаб норвег ўспиринларнинг то тонгга қадар гумбирлаган музыка саслари остида шаҳар аҳолисининг оромини бузиб, ўрмон жонзотларидай қийқирганча кўчаларни кезиб юришлари ва ёки кўчада қизил комбинезонларни кийган ҳолда шаҳарнинг энг гавжум жойларида маймунлар галаси каби қатор бўлиб эмаклаб юришларидаги «табиийлик» ўша тоифадаги «табиийлик»лардан бўлса, ажабмас...

Кизиғи шундаки, ирқчилар ўзларининг демократияга нафрати борасида «демократия куфр низоми» деган баъзи мусулмон жамоалар билан маслакдошдирлар. Фақат демократияга нисбатан кўрсатилаётган бундай бир хил муносабат бир-бирига том қарама-қарши бўлган икки хил мантқиққа қурилгандир. Хусусан, ирқчилар демократияни ўз «табиийлик»ларини, яъни, ҳайвоний инстинктлар — сурув, пода психологиясини, ирқчиликларини намоеъ қилишга ҳалақит бергани учун қораласалар, юқорида номи зикр этилган мусулмон жамоалар, аксинча, демократияни айнан ҳаддан ташқари «табиий»лиги, табиий, ҳайвоний инстинктларни намоеъ қилишга изн бериб қўйгани учун қоралайдилар. Бу икки хил қараш худди сархум-

даги сув микдорини ифода этишда қўлланиладиган «ярми бўш сархум» ва «ярми тўла сархум» қабилидаги бир хил ҳолатни ифодалаётган, аммо бир-бирига том қарама-қарши бўлган икки хил нуқтаи-назар ва мақсаддан келиб чиқиб айтилаётган калималарни эслатади.

Юқоридаги кўринишлар демократиянинг собит бир қурилма эмаслигига, бу сиёсий тушунчанинг талқини ва унинг ҳаётга тадбиғи ҳам унинг моҳияти сингари ранг-баранг бўлишига далилдир. Масалан, ташкил этилганидан бери лойиқчилик идеологияси билан бошқариб келинган Туркияда яқин-яқингача аҳолининг маънавий-маиший ҳаётини назорат этувчи «маънавият полиция»лари мавжуд эди. Мамлакат қонунлари эса, зино устида қўлга тушган одамларни қамок жазосига ҳукм этар ва айни пайтда давлат демократик сиёсий тузум билан бошқарилаётгани бутун дунё тарафидан тан олинар эди. Кизиғи шундаки, исломий ақидаларга яқин бундай қонунлар ҳокимият тепасига «исломчи» деб аталган партия вакиллари келганидан сўнг бекор қилинди.

Хуллас, демократияни «чегара» деб билаётганлар ҳам ва аксинча, уни «чегарасизлик» деб ҳисоблаётганларнинг мулоҳазалари ҳам нисбийдир. Ҳар бир жамят демократияни ўз табиати даражасида «табиий»лаштириш имконига эгадир. Демократия сўзининг маъноси халқ ҳокимияти, кўпчилик ҳокимияти бўладиган бўлса, нега энди аҳолисининг асосий қисми мусулмон бўлган бир жамятда ва ёки аҳолининг кўпчилик қисми насроний бўлган бир мамлакатда бу маъно ўз мазмунини



йўқотиши керак? Мусулмонларнинг демократия ҳақидаги тасаввури фақат аҳолисининг асосий қисми насронийлардан иборат бўлган мамлакатлар кўрсатаётган ўртак орқали шаклланиши туфайлигина баъзи мусулмон жамоалари ичида демократияга нисбатан кескин салбий муносабат кўрсатилмоқда. Холбуки, Туркия жумҳурияти мисолида биз бир насроний мамлакатдаги демократия билан аҳолисининг асосий қисми мусулмонлардан иборат бўлган бошқа бир мамлакатдаги демократиянинг кескин фарқ этиши мумкинлигини кўрмоқдамиз. Туркиядаги демократия насроний мамлакатлар демократиясида кузатилаётгани сингари жомелар минораларига ва азон сасларига қарши кураш олиб бормади. Чунки, жоме ва масжидлар ва уларнинг мухташам миноралари, азон овозлари бу жамятдаги маънавий муҳитнинг «табиий»лигини таъминловчи қадриятлардандир.

Содда қилиб айтганда, Овруподаги азон саси у ердаги аҳолининг «оромини бузгани» туфайли демократияга хилоф бўлса, мусулмон мамлакатдаги азон саси, аксинча, аҳолига ором бергани учун, халқнинг истак ва талабларига мос бўлгани учун демократияга уйғундир.

Мақсуд Бекжон

БОЙСУННИ “МАСКАЛИ” ҒАЛАМИСЛАР БОСДИ



Сурхондарё вилояти ИИБга қарашли, “Терроризмга қарши кураш бўлими” томонидан 2013 йилнинг 2 февраль куни соати 11-00да Бойсун туманининг “Дехқон бозори”, савдо дўконлари, қурилиш объекти ва туман марказида фаолият кўрсатаётган савдо ходимларининг уйлари тинтув қилинган. Тинтув давомида қўлга киритилган асосий хомашёлар: пуллар, қурилиш материаллари, автобуслар, машиналар ва турли хил жиҳозлар тортиб олинган. Яқка тартибда фаолият кўрсатаётган фуқароларга нисбатан прокуратура ва ИИБ томонидан суриштирув ишлари олиб борилмоқда. Улар томонидан Бойсун тумани, “Агробанк”, “Халқ Банки” ва “Микрокредит банк”ларидан олинган кредитлар ва депозитлар ҳамда сотиб олинган акциялар юзасидан тергов ишларининг турли-хил савол

ва топшириқлари юзасидан “отчёт” беришмоқда...

Бойсунликлар бу босқинчи ва уюшган “гурух”ни кўриб: “Никоб остидаги ғаламислар, ўз манфаати учун, ҳар қандай пастқашликдан қайтмайдиган, ўзини бойлик учун, фидо қиладиган, “халқ манфаатини кўзлаб” ўзини “осадиган” бу ўғрилardan нимани ҳам кутуш мумкин? Агар сенларга бойлик керак бўлса, Ўзбекистон Республикаси Бош Вазирининг муовини Рустам Азизмовга тегишли бўлган, “валюта”фурушлар бозорини босган. Бечора ва ночор қора халққа нима ишинг бор? Улар киши-киши демай, Россия, Қозғистон, Корея давлатларига бориб, ишлаб, топган пуллари эвазига ўзини ва оиласини боқмоқдалар. Бирок... улар устидан фойда кўраётган, ғаламис, муттаҳам ҳаромхўр порахўрларни уйлари босинглар. Агар сенларга, “Адолат” керак бўлса, ҳоким ва унинг югурдақларини уйини тинтув қилинглар. Қўша-қўша машина ва дабдалаи уйлар қуриб, халқни эзиб келаётган маънавий жиҳатдан қашшоқ, “бой”ларни хибсга олинглар...”

Фахриддин Тиллаев

Юртимиздаги ҳозирги вазиятни ҳисобга олиб, давлат эгаларига биринчи навбатда олим-мутахассисларга тақлифим бор. Халқимиз ҳозирги кунда шунчаки юрак олдириб қўйган бўлмай, балки ўта юраксиз, Ҳақ сўзини айтолмайдиган ижирганар даража нафсонияти йўқолган авомга айланиб қолгани сир эмас.

Зиёли қатламнинг ўзи қолганми? Холисона, кўркмасдан мамлакатнинг ҳозирги аҳволини юрак ютиб, тилида айта оладиган жонкуярни бармоқлаб санасак, бармоғимиз ортиб қолмасмикин?

Битта-яримта тилига чечак чиқмаган оғзи ботирлар ҳам молга кўнган тасқарадай чиқиб қолар.



С.ИМОМОВ: ОЛИМ ВА МУТАХАССИСЛАРГА ЧАҚИРИҚ

Юраксизлик кўрсатгичи йилдан-йилга юксак марраларга чиқаётгани, одамлар ўзи ва оиласидан бошқани ўйламайдиган, бу кетишда ота-она, ҳатто оиласини ҳам ўйламайдиган, ўйлай ололмайдиган ўта кўрқинчли офат кўзга кўринмай бостириб келаётгани энди кўзга яққол ташланиб қолди.

Лекин бу ҳақ-ҳуқуқ ҳақида ўйлашни унутган, кўрқоклик офати оқибатида кунни келиб чидаб бўлмас қашшоқликка одамлар беихтиёр “дол” деб юбориши муқаррар. Унда бу вазиятни автомат билан ҳам тўхтатиб бўлмай қолади. Бир сўз билан айтганда, халқ қашшоқликдан қутуриб қолади. Сабаби итини қопагон қиладиган эгасини ўзи бўлади.

Рўйи-рост айтганда давлат аҳолига итга молга қарагандек муомала қилишига халқ кўникиб кетган. Лекин жуда бўлмаса чет элда яшаётган чет эллик ҳайвонларча турмуш шароити бўлмаса ҳам, чет эллик камбағал ҳайвонлардек яшаш имконияти, чет эллик ҳайвончалик ҳақ-ҳуқуқ берилиши керак-ку. Амалдаги ҳукумат халқни қашшоқликдан чиқаришига ақли расо ҳам ақли норасо ҳам ишонмайди.

Хўш, биз мамлакат ичидаги зиёли қатлам нима қилиши керак?

Аммо шу оғзи ботирларимиз бу ҳукуматга нима тақлиф эта биладилар. “Коррупцияни йўқ қилиш керак, чегараларни очиш керак, муҳолифатга эрк бериш керак ва ҳоказо” десангиз-у, ҳукумат “мана” деб ўрта бармоғини кўрсатиб тураверса, бундан нима маъно чиқади.

Мен мамлакатда кўлинг ўргилсин диктатура шароитидан келиб чиқиб назардан қолган (асли ким назардан қолмаган?) кучли-кучли иқтисодчи олимларни, файласуфларни, ҳуқуқшунос мутахассисларни, чорва ва деҳқончиликнинг пирларини, айниқса ер ости бойликлари бўйича геолог олимларни тўплаш ниятидаман (бажонидил “асл дин олимларини ҳам кўшиш керак” дердим-у, аммо ҳукумат аъзоларини думбасигача учуқ тошиб кетади).

Бу мутахассислар ҳозирги вазиятдан келиб чиқиб, яъни аини диктаторлик режими шароитида қашшоқликдан чиқаришда амалий тақлифларини берсинлар. Майли у тугал фикрий тақлиф бўлмай, хомхатала чала бўлса ҳам бўлаверади. Кимдир ахлокий ахамиятда, кимдир ҳуқуқий, кимдир иқтисодий-илмий фикр-тақлифлар беради. Энг муҳими кам харж билан инкироздан

чиқиш фикрини бера оладиган олим-мутахассисларимизнинг бари хали кафан киймаганлар деган умиддаман.

Энг муҳими шу командани топиш ва тузиш керак. Агарда шу тақлиф маъқул келса ёки ўзини шундай кучли мутахассис деб билганлар бўлса, ё ўша мутахассисларни биладиган танийдиганлар бўлса, бу тақлифимни мурожаат чақириқ, деб қабул қилиб садо берсинлар. Агар-ки, шу ишга бош қўшиб, яқдил ҳамдам бўлсак, нимадир юзага келади-ку!

Барибир чекка-чеккада биқиб юрибмиз. Ахир Яратган бизга қаллни фақат қатик ивитиш учун бермаган-ку.

Кимдир “минг зўр тақлиф берма, бу ҳукуматга бир тийинлик кизиғи йўқ” деб айтар. Шунақа ҳам бўла қолсин. Лекин нима бўлганида ҳам, аввал ўша маънавий-иқтисодий тақлифга эга бўлишимиз керак-ку.

Мазкур ҳукумат норасмий тарзда балки шу ишга бош қўшар. Ақлга тўғри келмайди-ю, ҳар қалай чиқмаган жондан умид. Жуда бўлмаса “нега тўпланяпсанлар?” деб тўсқинлик қилмасалар, шу ҳам уларнинг ёрдами бўлади.

Санжарали Имомов,
драматург,
Тошкент.

ОЛТИН ИШЛАБ ЧИҚАРИШ БЎЙИЧА ДУНЁДА 9-ЎРИНДАМИЗ, АММО ЎЗБЕКИСТОН НЕГА БУНЧАЛАР ҚАШШОҚ?



Хабарларда айтилишича (са-news.org) 2012 йил яқунларига кўра, Ўзбекистон олтин ишлаб чиқариш бўйича дунёда тўққизинчи ўринни эгаллади. Бу ҳақда АҚШ Геология хизмати (United States Geological Survey) маълумотнома-сида келтирилган.

Геология хизматининг билдиришича, ўтган йили Ўзбекистонда 90 тонна олтин ишлаб чиқарилди,

2011 йилда эса бу рақам 91 тонна-ни ташкил этган эди.

Дунёнинг энг кўп олтин ишлаб чиқарувчилари орасида Хитой (370 тонна), Австралия (250 тонна), АҚШ (230 тонна), Россия (205 тонна), Жанубий Африка (170 тонна), Перу (165 тонна), Канада (102 тонна) ва Индонезия (95 тонна) бор.

Шундай экан, нега Ўзбекистон бунчалик қашшоқ?

Бу саволнинг жавобини бошқа бир хабардан (uzbekistanerk.com) топишимиз мумкин. Унда жумладан шундай дейилади:

“Энди эса олтин ҳақида. 1993 йил кузда Ўзбекистоннинг АҚШдаги элчиси Бобур Маликов тўсатдан кўпчилик учун Америкадан сиёсий бошпана сўрайди. Бунга уни навбатдаги вазият мажбур қилади. 1993 йили ёзда Ислон Каримов АҚШга Навоий тоғ-металлургия комбинатидан

қазиб олинган 90 тонна соф олтин жўнатади. Тошкентдан Вашингтонга олтин қуймаларини ўша вақтдаги Фарғона вилоят миллий ҳавфсизлик хизмати бўлими бошлиғи раҳбарлигидаги МХХ ходимлари кузатиб боришади. Юк Вашингтонга етганда Фарғона СЎБчиси Ўзбекистон элчиси Бобур Маликовга кириб, унга шу 90 тонна олтинни Ислон Каримовнинг шахсий номига расмийлаштиришни етказди. Б. Маликов бундай қилишдан бош тартади, шундан сўнг 90 тоннали олтин «жўнатма»ларини Ислон Каримовнинг шахсий ҳисобига расмийлаштириш иши билан чекистнинг ўзи шуғулланади”

Ушбу хабарлар Ўзбекбошининг аслида Ўғрибоши эканлигига яна бир далилдир...

Фурқатбек



Абдурахим Пўлатовнинг мархум укаси Абдуманноб Пўлатов сабаб бўлганини, ва унинг кўп хизмати сингганини, бу ерда Муҳаммад Солихнинг ҳечқандай алоқаси йўқлигини айтгандим. Бу эса, истаган одам истаган пайтида исботини топадиган, қолаверса, Исмат Хушевнинг ўзи ҳам бирнеча марта ўз сайтида ва Юсуф Расулнинг «Янги дунё» сайтида қайта — қайта тасдиқлаган оддий ҳақиқат эди.

» Ҳабибий» таҳаллуси билан ёзган Алишер Навоийнинг замондошини ва ундан ташқари яна тўртта шоирни биламан. Қани, уларни ҳам плагиат деб айтаоласизми? «Ҳайратий» таҳаллусидан уч шоир фойдаланган экан, Машраб» таҳаллуси билан қанча шоир ижод қилганини биласизми? Мен бундай мисолларни юзлаб келтиришим мумкин. Адабиёт тарихида бу айб ҳисобланмайди. Оддий тарихий ҳодиса ва ҳақиқат.

Бундан бошқа тухмаглар ҳам учраб туради... Назаримда Муҳаммад Солихни, Баҳодир Чориевни ва бошқа кўзга кўринган баъзи мухолифотчиларни камситишга, ҳақорат қилишга уринишлар «мода»га айланиб қолганга ўхшайди. Бу ҳақоратчилар аслида уларни нимада айблаётганларини ўзлари ҳам дурустроқ билмайдилар. Аслида бундайлар кўп ҳам эмас. Фақат «ном»лари кўп ёки кўп қилиб кўрсайшга уринадилар.

Баъзилар эса ўзлари билмаган ҳолда, кўпчиликка эргашиб, ҳақоратчилар тўдасига кириб қоладилар...

Менинг бир танишим ва ҳурмат қиладиганим одам ҳам Муҳаммад Солих ҳақида » Уни ундай жазолаш керак, мундай қилиш керак» деган гапларини ёзибди. Мен ундан Муҳаммад Солихни ўзи танийсизми?» деб сўрадим. Қаранг, танимас ҳам экан. » Ҳамма шунақа деябдику» деяолди холос. Бундай кўр — кўрона ҳақоратлар кимга нима беради? Бундан кимлар фойдаланади? Шундай ҳам кўриниб турибдику!

У ҳам майли. Ҳатто ҳали мухолифотчи бўлиб, шу пайтгача ҳечнарсга қилмаганлар ҳам, қўлларидан ҳечнарсга келмайдиганлар ҳам «УРА — УРА» ҳақоратларга жўр бўлишади... Нима учун? Ҳеч бўлмаса ўз ўрнингизни билсангиз, бироз ўйлаб кўрсангиз бўлмайдими?

» Мухолифат бирлашмаябди» деган айбловлар кўп. У қандай бирлашсин бу аҳволда? Агар шу ифвогарликлар бўлмаганда, мухолифат ҳеч бўлмаса, мустабид — диктаторга қарши кураш жараёнида ўз ҳаракатларини бирлаштирган бўлармиди?

Яна бир марта айтиб кўяман: Мен мутлоқо Муҳаммад Солих тарафини ҳам, бошқа бирортанинг тарафини ҳам олганим ёки ёқлаганим йўқ. Умримда бировни мақтаган эмасман. Фақат бор ҳақиқатни айтдим. Керак бўлса — Яна айтаман. Кимни безгак тутса тутаберсин!

Ёдгор Обид

ҲАҚИҚАТНИНГ АЧЧИҚ ҚАЛАМПИРИ

Бўлмаганга бўлишма...

Бу — қадимдан қолган донолар сўзи.

Ғарб ва шарқ донишларининг асарларини кўп ўқиганман.

Қолаверса, ҳаётнинг ҳам аччиқ — чучугини кўп тотдим.

Лекин ўқиган билан, кўрган билан одамга ақл битавермас экан...

Одамларга, яхшиликка ишонгим келаверади.

Кейинги пайтларда турли сайтлар саҳифаларини кўриб, баъзибир нарсаларни тушунишга ақлим ожизлик қилиб қолди.

Мен бирнеча кун бурун кўплаб мақолаларда ҳаммага шундоқ ҳам аён бўлган бир ҳақиқатни кўпчилик эътиборига ҳавола қилгандим.

Мақолалар асосан Исмат Хушевнинг қилмишлари, кимлиги ва кимларга қандай йўл билан хизмат қилаётгани ҳақида. Буни мен тўғри ва қилиниши керак бўлган ишлар деб қарайман. Акс ҳолда ҳалқимиз баданига ёпишган бу каби заҳарли каналар катта жароҳатлар пайдо бўлишига олиб келиши мумкин. Маддани ўз вақтида жарроҳлик йўли билан очиб ташлаиши — тузалишини тезлаштиради...

Фақат, ҳақиқат — ўз номи билан ҳақиқат бўлганидек, бу ҳақиқатнинг тозалигини, софлигини сақлаб қолиш лозимлигин ҳам эътибордан қочирмаслик керак. Муттаҳамликка қарши муттаҳамлик йўли билан, мунофиқликка қарши — мунофиқлик, ёлғонга қарши — ёлғон ишлатиш йўли билан курашиб бўлмайди.

Мен бундан бирнеча кун бурун деяри барча мақолаларда бир масала юзасидан хато фикрлар айтилаётгани, аниқ бир фактга эътибор берилмаётгани ҳақида қисқагина лўкма ташлаб қўйгандим. Яъни, мақолаларда кўп такрорланаётганидек, Исмат Хушевнинг Канадага келишида ва у ердан «сиёсий жабрланган», » сиёсий қочқин» мақомини олишда, асосан,

Мен шуни айтгандим холос. Бошқа гап йўқ...

Шундан кейин, кўпгина ижобий изоҳлар билан бир қаторда икки — уч одам томонидан ёзилган ҳақоратомуз таъналар ҳам келиб тушди.

Аслида бу ҳақоратларни ёзаётган одамнинг кимлигини билганим учун, унинг сассиқ гапларига эътибор берганим йўқ. Фақат эслаб ўтишга шу ва шунга ўхшаш воқеълик сабаб бўлди...

Мен ёзган лўкмани истаганлар ҳозир ҳам қайта ўқиб кўришлари мумкин. Мен у ерда Муҳаммад Солихни ёқлаганим ёки мақтаганим йўқ. «Солихнинг тарафдори» дейшларига ҳам асос бўладиган бир гап йўқ. Қарангки, мени ҳақоратлашга уринган «одам» гап мазмунига ҳам эътибор бермаган. Фақат Муҳаммад Солих номига кўзи тушган ва шу ондаёқ » безгак» тутабошлаган... Унинг номи уларга шунчалик таъсир қилар экан! Ана шуниси қизик бўлди. Ўз ҳовлиқмаликлари билан ўз ниқобларини очиб ташлашди.

Баҳонада, мен шу масала билан боғлиқ яна баъзи нарсаларни айтиб қўйдиган бўлдим.

Қаранг, Муҳаммад Солихни нималарда айблашмаябди?

Муҳаммад Солих — плагиат»... Яъни, «Шайбонийнома»ни ёзган, Навоий ва Бобурнинг замондоши бўлган шоир Муҳаммад Солихнинг номини ўғирлаб олган эмиш... Бачканалик, жоҳиллик ва саводсизлик ҳам шунчалик бўладими! Умуман бу «одам» адабиёт тарихидан узоқ. Бу билан уни айблamoқчи эмасман. Билмаслик — айб эмас. Лекин ўзи билмаган нарсани бировган калтак сифатида ишлатиш, ифвогарлик қилиш эса, жиноят ва ўтакетган пасткашлиқдир. Билмаганлар учун эслатиб қўйишим мумкин. Адабиётимиз тарихи давомида бирхил таҳаллус билан ёзган кўплаб шоирлар бор. (Ҳаётда эса бирхил исмликлар саноксиз). Маалан, мен

У.ҲАҚНАЗАРОВ: ГУЛНОРА КАРИМОВА НИМА УЧУН РАМЗАН ҚОДИРОВ БИЛАН УЧРАШДИ? (3)

(Давоми: Боши ўтган сонларда)
УСМОН ҲАҚНАЗАРОВ
СИЁСАТШУНОС

Кенг қамровли тозалашларнинг тай-ёргарлик босқичи

Бугунги кунда Р.Иноятлов гуруҳи аллақачон бу махфий режани амалга оширишга киришган. Хусусан, бош “чеккист” топшириғи билан Ўзбекистон махсус хизматлари Тошкент клани ниятларига ҳалал бериш эҳтимоли бўлган шахсларга қарши кенг қамровли қоралаш кампаниясини бошлаган. МХХ топшириғи билан баъзи интернет-нашрларда ўзбек парламентининг куйи палатаси бўлмиш Олий Мажлис раҳбарларини қораловчи материаллар пайдо бўлди. Бу материалларда МХХ раиси биринчи ўринбосари Шухрат Ғуломов гуруҳига қирувчи бир қатор депутатлар ҳамда парламент спикери Д. Тошмухамедованинг хусусий бизнеси ҳақида сўз боради. Маълумки, Д. Тошмухамедованинг эри МХХ раиси ўринбосари ва Ш.Ғуломовнинг ишончли вакиллари билан биридик.

Шуни ҳам таъкидлаш зарурки, Р.Иноятлов мамлакатда таъсирга эга бўлган барча тизимларни “исталмаган элементлар”дан тозалаш ишларини бошлаган. Масалан, ИИВдан чиққан Ўзбекистон Бош прокурори ўринбосари Алишер Шарафуддинов яқинда пора билан ушланди ва ишдан бўшатилиди. Энди Ўзбекистон бош прокуратурасини МХХдан чиққан Рашид Қодиров бошқаради, демек уни том маънода “гб” контораси дейиш мумкин.

Бундан ташқари, ўзбек махсус хизматлар ташаббуси билан баъзи муҳолиф ва хорижий нашрларда Ўзбекистон Молия Вазири Рустам Азимов ҳақида бир қатор материаллар чоп этилди. Р.Иноятлов нафратланадиган Рустам Азимов бу материалларда И.Каримовнинг энг муҳтамаб вориши дея тақдим этилади. Ва муаллифлар бу фикрга исбот ўлароқ Ғарб банк ва молия тизимларининг Р.Азимовга Ўзбекистон ҳукуматидаги энг ғарбпараст ва либерал мулозим сифатида хайрихоҳлиги, “оиланинг бош ҳамёни ва бухгалтер”нинг россиялик олигархлар ва Кремль мулозимлари билан ўзаро қариндошлик алоқаларини келтирганлар.

Рустам Азимов кўнглида ўзбек давлатини бошқариш нияти бор-йўқлиги номаълум. Аммо, мабодо бундай ниятлар бор бўлганида ҳам, табиатан кўрқок Азимов ҳеч қачон “оила” режаларига қарши боришга куч тополмайди ўзида. Буни Р.Иноятлов ҳам яхши билади. Лекин, Азимов Тошкент клани режаларига потенциал таҳлика бўлгани учунгина ҳаддан ташқари эҳтиёткор “раис” уни кураш майдонидан бартараф этишга қарор қилган.

Шунинг учун у ўз “чеккист”ларига берган топшириғида “оиланинг бош бухгалтери”га қарши компроматларни ёйишга буюрган. Яқинда Р.Азимов ҳақидаги бундай мақолаларнинг бир дастасини шахсан “раис”нинг ўзи президент Ислам Каримовга олиб кирган, бу билан Р.Иноятлов давлат раҳбари ҳокимиятни Г.Каримовга ўтказишда аслида кимдан хавфсираши кераклигига нозик шаъма қилган. Яъни Азимовни йўқотишни МХХ раиси президент Каримов қўли билан амалга оширмақчи бўлмақда.

Нега Р. Иноятлов Р. Азимовдан хавфсирайди, ахир ҳозирги Молия Вазири ҳам ўша Тошкент клани вакили-ку?!

Бунинг сабаби, биринчидан, Р.Азимов “оила”га ишлайди, Каримовларнинг лойиҳаларида асосий фигура саналади. Шунинг учун МХХ раисининг тахминига кўра, Г.Каримованинг тахтга келиши билан, Р.Азимовнинг янги ҳокимиятдаги мавқеи кучаяди, зеро “бош бухгалтер” “оила”нинг барча ҳисобдан ташқари қиримлари ҳақида ҳужжатли, ашъвий далилларга эга бўлган ягона шахсдир. Бундан ташқари, Р.Азимовнинг қўлида Иноятлов хунтасининг молиявий қирдиқларини қош этувчи ҳужжатлар ҳам мавжуд. Шундай экан, Г.Каримова тахтга ўтиргач, “бош бухгалтер” бугунги МХХ раҳбариятининг иктисодий жиноятларини қош этувчи компроматларнинг асосий манбаига айланиши мумкин, зеро МХХ аллақачон миллий хавфсизлик хизматидан, маълум шахсларнинг тадбиркорлик хавфсизлиги хизматида айланиб бўлган. Р.Иноятлов шунинг учун ҳам Р.Азимовга қарши компроматларни кўпайтириш бўйича ишларни кучайтира бошлаган. Шундай қилиб...

Рустам Азимовга қарши Иноятлов далиллари

Рустам Азимовга қарши Иноятловдаги далиллар ниҳоятда кўп экани табиий. Ўзбекистон МХХ раиси бир неча маротаба “бош бухгалтер”га қарши далилларни президентга олиб кирган, аммо ҳар гал унинг уринишлари Оксаройдан ташқарига чиқмаган. Утган мақолаларимизда, масалан, Рустам Азимов Миллий Банк бошқарув раиси пайтида, чет эл сармоядорларидан улкан миқдорда пора олаётгани, ушлангани ҳақида айтиб ўтган эдик. МХХнинг ушбу махсус амалиётини Р.Иноятлов шахсан бошқарган. Бироқ, бундан Азимов тўхтагани ҳам, кўрқгани ҳам йўқ, балки “олинган пора”га аталган эди” дея кўрсатма берди. Ярим соат ўтиб, президент Каримов талабига кўра Р.Азимов озод қилинди.

Бу воқеадан буён, Р.Иноятлов Молия Вазирига қарши компроматларни президентга олиб кирмайдиган,



фақат тўплайдиган бўлди. Энди у муҳолиф ва хорижий нашрларда Р.Азимовни Ўзбекистон президентлигига энг лойик номзод дея мадҳ этувчи мақолаларни Каримовга етказиб туради. Шунда ҳам МХХ раиси Ўзбекистон Молия вазирини бир зум ҳам кўздан қочирмайди, ҳатто Р.Азимовнинг шанба кунлари борадиган пойтахт сауналарига ҳам “прослушка” ўрнатишгача бориб етган.

Шуни ҳам таъкидлаш жоизки, Иноятловнинг қўлида Каримовлар оиласи ва Р.Азимов ўртасидаги алоқалар ҳамда умумий афёралар ҳақида кенг маълумотлар ҳам бор. Хусусан, ўтган йил бошларида Гулнора Каримованинг “оила”га тегишли Навоий ва Охангарондаги цемент заводи акцияларини сотувга қўйиш ҳақидаги Р.Азимовга берган топшириғи ҳақидаги маълумотлар бор. Бундан ташқари, “Шўртангазкимё”, Муборак газни қайта ишлаш заводи ва б. корхоналарнинг “оила”га тегишли ҳиссаларини ҳам чет эл сармоядорларига сотишга қарор қилинган. Г.Каримова яна “оила”га тегишли бир қатор кўчмас мулк ва меҳмонхоналарни чет элликларга сотиш топшириғини берган Р.Азимовга.

Бундан ташқари, Р.Иноятлов қўлида Рустам Азимовнинг шанба “парилка”ларидан бирида оғайниларига “оила”нинг қанча бойлиги борлигини аниқ билишни “туллаб” қўйгани олинган яширин видеоёзув ҳам бор. “Мана сизлар Ўзбекистонда энг бой одам – бу “ОПА” (Гулнора Каримова назарда тутилмоқда – У.Х.) дейсизлар.

Бу сафсата ни бошқа жойга гапиринглар, фақат менга эмас. Мен ахир кимда қанча бойлик борлигини биламан-ку. Энг бой одам – бу Ислам ака. У дунёнинг турли банкларида 12 миллиард 646 миллион “кўкидан” сақлаб қўйган. Гулька эса – бор-йўғи 1 миллиард 233 миллион доллар. Ана, ким бизда Папа Карло, таққослаб олаверинглар”, — деган ўшанда Р.Азимов.

Яна Р.Азимовнинг бошқа ўзбек корхоналари акцияларини, хусусан, Тошкентдаги «Grand Mir» меҳмонхонасини (собик «Россия» меҳмонхонаси) Россиядаги тожик олигархи Илхом Шокировга сотишда воситачилик қилгани ҳақида маълумотлар ҳам бор.

(Давоми кейинги саҳифада)

У.ҲАҚНАЗАРОВ: ГУЛНОРА КАРИМОВА НИМА УЧУН РАМЗАН ҚОДИРОВ БИЛАН УЧРАШДИ? (3)

(Давоми: Боши олдинги саҳифада)

Р.Иноятлов кўлида захирода яна Р.Азимов “Москоммерцбанк”нинг норасмий таъсисчиларидан бири бўлгани ҳақида маълумотлар бор. “Москоммерцбанк”нинг пайдо бўлиши “Казкоммерцбанк” ҳамда Ўзбекистон молия вазирлигидан 600 миллион доллар сармоянинг бирикишидан юзага келган. Бунга далиллардан бири шуки, Ўзбекистон Молия вазирининг жияни Миразиз Мусахонов мазкур Россия банкида асосий бошқарув лавозимларидан бирини эгаллайди.

Бу ва бошқа фактлар эртами-кечми Р.Азимовга қарши ўқ бўлиб отилиши керак. Бу ишдаги “снайпер” ролини “Мустақиллик” метро станцияси яқинидаги “хира бино раиси” бажариши кутилмоқда, айни пайтда “раис” “ис-талмаган элементлар”ни бартараф этиш билан бирга ўз гуруҳини кучайтириш билан ҳам банд. Шундай қилиб...

Рустам Иноятлов гуруҳи

Ҳўш, Ўзбекистонда ҳокимиятни Ислоҳ Каримовдан тўнгич қизи Гулнора Каримовага “огриқсиз” ўтказилишига қарши режа тайёрлаётган Р.Иноятлов гуруҳида қимлар бор?

Биринчи навбатда бош вазир Шавкат Мирзиёевни айтиш лозим. Унинг ҳам Р.Иноятлов билан, ҳам умуман МХХ билан яқин алоқалари сақланган. Айни гуруҳда Мираброр Усмонов ҳам бор, у Ўзбекистонда савдо соҳасини назорат қилади. Президент маъмурияти раҳбари Зелимхан Хайдаров ҳам шу гуруҳда, унинг вазифаси И.Каримовга кераксиз маълумот ҳамда исталмаган мулозимларнинг қиришини олдини олишдан иборат.

Ўз иқтисодий ва молиявий жиноятларининг кўлами бўйича Р.Иноятлов гуруҳи ўша Молия Вазир Р.Азимовдан мутлақо фарқи йўқ. Фақат иноятловчиларга қарши нафақат жиноий иш кўзга тилмайди, балки компромат ҳам тўпланмайди.

Масалан, Ўзбекистон бош прокурори Рашид Қодировни олайлик. У мазкур гуруҳ таркибида бўлиб, МХХ заминидан уйдирилган жиноий ишларни прокурор органларида ўтказишни таъминлайди. Бош прокурор Р.Қодиров мамлакатнинг прокурор органларини МХХнинг ўзига хос юридик бўлимига айлантириб бўлинган. Бу бўлимнинг асосий функцияси суд жараёнларида махсус хизматлар манфаатини ҳимоя этишдир.

Андижон области партия кўмитаси собиқ секретарининг ўғли, МХХ тергов бошқармаси собиқ раҳбари Рашид Қодиров нафақат МХХ раиси Рустам Иноятлов билан, балки “йирик тадбиркор”лар Ғафур Раҳимов

ҳамда Салим Абдувалиев билан ҳам яқин алоқадир. Тадбиркорлар билан яқинлашув Самарқанд чой қадоклаш фабрикасини текширишдан сўнг домдараксиз йўқолган Бош прокуратура терговчиси Ҳабибулла Саломов иши мобайнида рўй берган.

Бу ишни тергов этгач, у нафақат Ғ.Раҳимов ва С. Абдувалиев билан яқинлашган, балки уларнинг иқтисодий ва бошқа манфаатларини ҳам ҳимоя қила бошлаган, Тошкентдаги Муртазовев кўчаси (Ғ.Раҳимов яшаган кўча) ва Жарқўрғон кўчасидан (С.Абдувалиев яшайдиган кўча) чиққан “номзодлар”га Ўзбекистондаги раҳбар лавозимларни сотишда воситачилик фаолиятини ҳам бошлаб юборган.

Айнан Р.Қодиров “УзАвтодор”нинг Хоразм бўлими раҳбари, ҳозир камокда бўлган Валерий Полвоновнинг иқтисодий жиноятларини яшириб келган. Агар хоразмлик “бой” эҳтиётсизлик қилиб, андижонлик тадбиркорларга йўл таъмири учун мўлжалланган қурилиш материалларини сотмаганида, Полвоновга қарши жиноий иш очилмаган бўларди. Андижонлик тадбиркорлар кейинроқ “Ақромийлар” диний-экстремистик ташкилотини тузиш ва 2005 йилги исённи уюштиришда айбланганлар.

Шуниси ҳам қизиқки, С.Абдувалиевнинг “одами” бўлган В.Полвонов кўп марта тергов ва ҳатто суд пайтида ҳам, ўғирланган пулларнинг 90%ни шахсан Р.Қодиров ҳамда С.Абдувалиевга берганини очик айтиб келган. Аммо на МХХ терговчилари, на МХХга тобеъ судлар В.Полвоновнинг бу жиддий кўрсатмаларини “инобатга олмай” келишди ва келишмоқда. Ўз оғалари Р.Қодиров ва С.Абдувалиевлар тарафидан “чув” туштирилганини пайкаган Хоразм “бой”и эса энди “Жаслик” турмасида ўтириб, маҳаллий прокурорларга шикоят ёзишда. Ўз шикоятларида у қачон, қаерда ва қандай вазиятда Р.Қодиров ва С. Абдувалиевга пора берганини такрорлайди.

Шуни айтиб ўтиш керакки, Ўзбекистон Бош прокурори лавозимида Р.Қодиров криминал бизнесни, асосан, “тошкентлик йирик тадбиркорларнинг” наркотик тижорати манфаатларини ҳимоя қилиб келади. Яқин пайтларгача (Ғ.Раҳимов ва С.Абдувалиевга қарши босқинларга қадар) ўзбек бош прокурори Тошкентнинг Муртазовев ва Жарқўрғон кўчаларидаги хомийлари берган маошларга “кўн кечириб” келарди: ҳар ой унга наркотик моддалар тижоратидан 80-150 минг АҚШ доллари миқдориди “доля” келиб турарди. Жиноятдан келган пулларнинг аксар қисмини Р.Қодиров Европа банкларида ташийдди.

Ўзбекистон Бош прокурорининг наркодолларлари унинг Швейцариянинг «COUTTS BANK» (Цюрих) банкидаги ҳисобига ўтказилади. Р.Қодиров буни одатда «BURLINGTON INVEST LTD» номли сохта ширкат орқали ўтказди (ширкат эгаси – Югай Александр Борисович – Ғафур Раҳимов теварагидаги Тошкентлик тадбиркор).

Ғафур Раҳимов ва Салим Абдувалиев Бош прокурор хатти-ҳаракатларидан ўз миннатдорлигини нафақат наркобизнесдан бериладиган ойлик “отстёжка”лар, балки бошқа тарзда ҳам билдириб туришган. собиқ давлат маслаҳатчиси Усмон Худойқулов компроматларидан Р.Қодировни қутқариб қолган ҳам айнан Ғафур Раҳимов бўлади. Ўшанда У.Худойқулов мамлакат президенти кабинетига Бош прокурорнинг жиноий фаолияти ҳақида бир неча бор ариза билан мурожаат этмокчи бўлганди. Аммо ҳар гал бу ишга Ғафур Раҳимов одамлари аралашди, президент референти Георгий Крайновга улкан миқдорда поралар бериб, Усмон Чинозовични президент Каримов ҳузурига киритмасликка кўндиришган.

Шундай экан, Р.Иноятлов гуруҳида энг виждонли, ватанпарвар, Ўзбекистон ва ўзбек халқининг келажаги ҳақида қайғурган мутхассислар тўпланган деб ўйламаслик керак. Ҳокимиятни Гулнора Каримовага топширишда улар ўз тижорати ва жиноий қиримлари учун фақат таҳлика кўрадилар. Шундай қилиб...

Хулоса

Биз бу маълумотларни баён этишимиздан мақсад, ўзбек махсус хизматларининг навбатдаги фитналаридан ўзбекистонликларни огоҳлантиришдир. Мабодо, эртами-кечми ўзбек ОАВ “исломий террорчиларнинг ҳужуми оқибатида президент Каримов, унинг қизи Гулнора Каримова ва бошқа оила аъзолари халок бўлди” каби хабарлар тарқата бошласа, ҳеч қачон бундай хабарларга ишонмангиз!

Чунки, мабодо бундай воқеа содир бўлган тақдирда ҳам, бунинг буюртмачилари ва “оила”нинг ҳақиқий котиллари Рустам Иноятлов конторасидаги “террорчилар” бўлади. Худди ўзбек-қирғиз чегарасидаги бугунги низонинг асл бошловчилари Сўхнинг тинч аҳолиси эмас, балки МХХ раиси биринчи ўринбосари Шухрат Ғуломов қўл остидаги “жангарилар” бўлгани каби. Ш.Ғуломов, аввал маълум қилганимиздай, президент Каримовдан ўзбек-қирғиз чегараси бўйлаб бетон девор қурилиши учун бюджетдан катта миқдорда маблағ ундириш ниятида. Каримовга эса бундай низолар фақат қўшни давлатлар билан ўзаро муносабатни доимий тарангликда сақлаш ҳамда минтақада маҳаллий жандарм ролини бажариш учун зарур ҳолос.

У.Ҳақназаров

28.06.2005

ВАШИНГТОН (ИХА) - Ўзбекистон ЭРК Демократик Партияси асосчиси ва раиси ва ўлканинг кўзга кўринган мухолифат лидери Муҳаммад Солиҳ, АҚШга тарихий бир ташриф билан келди. Муҳаммад Солиҳ АҚШ ташрифи давомида Ўзбекистонда эркин ва адолатли сайловлар ўтказилиши мавзуини кун тартибига қўйиб, ўзбек халқи бошдан кечираётган оғир синовлар ҳақида гапиради.



Институти каби ташкилотлар ҳам Муҳаммад Солиҳ билан учрашувлар ўтказиш учун программалар тайёрлади.

Муҳаммад Солиҳнинг АҚШ ташрифи ҳақида журналистларга маълумот берган Франк Ховард, «Муҳаммад Солиҳ Ўзбекистонда сиёсий офис очган, бир мухолифат партияси курган, Президент Ислам Каримовга қарши қонуний бир кампания бошлаган бир неча мухолифат лидерлеридан бири. Ўзбекистонда сиёсий реформлар ўтказилиши чақириғи дунёдаги демократик реформ тарафдорлари учун бир фурсат, Каримов режимининг диктатор бошқарувиغا қарши эса, бир тахлика яратади» деди.

ВАШИНГТОН: МУҲАММАД СОЛИҲНИНГ АҚШГА ТАШРИФИ

Мухолифат лидери Муҳаммад Солиҳ АҚШ Конгрессининг нуфузли лидерлери, Буш маъмурияти вакиллари билан ва илмий институтлари ва университетлар тамсилчилари билан кўришиб, уларни ўзбек халқига кўмақдош бўлишга чақиражаги маълум қилинди.

Ўзбекистоннинг Андижон шаҳрида юз берган қонли воқеалар бутун дунё матбуотининг энг муҳим хабарлари сифатида ёзилди. Ишсизлик ва инсонларнинг адолатсиз равишда қамокларга ташланишига қарши норозилик билдириб намоёишга чиққан юзларча киши Ўзбекистон хавфсизлик кучлари ва армияси томонидан кириб ташланди. Оддий бир норозилик намоёишига чиққан юзларча бегуноҳ инсонларнинг ўлдирилиши бир қанча дунё лидерининг диққатини тортди ва улар Ўзбекистон ҳукуматини қоралай бошлади. Совет Иттифоқи кулаганидан бери Ўзбекистон ҳукумати, оғир шароитда яшаётган халқнинг норозилик чиқишларини доим куч билан бостириб келмоқда. Норозилик намоёишига чиққан юзларча кишилар ўлдирилганидан сўнг бир неча ҳафта ўтиб, АҚШ сенаторларидан бир неча киши Ўзбекистонга борди. Ўзбекистонга борган сенаторлардан бири - Жон Маккайн ўзининг 14 июнда Файншл Таймс газетасида чоп этган мақоласида Ўзбекистондаги вазият ҳақда шундай ёзади: «Бугун бу ўлкада мустақил матбуот ва мухолифат партияси йўқ. Инсон ҳақларидан асар ҳам йўқ. Ҳукумат исломий террористларга қарши курашмаяп-

миз, деган баҳона билан мухолифларини қамокларга ташламоқда ва уларни қийноқларга солмоқда».

Урта Осиёда энг тажрибали демократик ҳуқуқ ҳимоячиларидан бири бўлган Муҳаммад Солиҳнинг АҚШга ташрифи сўз эркинлиги ва фикр хуррияти бўлмаган Ўзбекистондаги вазиятнинг халқаро жамоатчилик тарафидан яхши англаб етилиши учун жуда муҳим аҳамият касб этиши ҳақда гапирилмоқда.

КОЛУМБИЯ ВА ХАРВАРД УНИВЕРСИТЕТЛАРИ СИНГАРИ ЎҚУВ ЮРТЛАРИ МУҲАММАД СОЛИҲНИ ОЙЛАР ДАВОМИДА АҚШГА ТАКЛИФ ЭТАЁТГАН ЭДИ

Муҳаммад Солиҳнинг Матбуот бўйича маслаҳатчиси Франк Ховардга кўра, АҚШдаги Колумбия ва Харвард университетлари бир неча ойдан бери ўзбек мухолифати лидери Муҳаммад Солиҳнинг АҚШга ташриф буюришини истаётган эди, аммо М.Солиҳ яқин яқингача АҚШ визасини ололмай келди. Heritage Foundation, Brookings Institute va American Enterprise каби нуфузли институтлар энди Муҳаммад Солиҳ билан учрашувлар ўтказиш борасида мусобақалашмоқдалар. Муҳаммад Солиҳ Ўзбекистонда демократия учун буюк бир умид сифатида кўрилмоқда ва ўлка ичидан туриб гапира олган жуда оз сонли жасоратли кишилардан бири сифатида баҳоланмоқда. Демократ ва жумҳуриятчи сиёсий гуруҳлар, Халқаро Демократия Институти ва Халқаро Жумҳуриятчилар

Муҳаммад Солиҳ 1990 йиллар бошларида коммунист лидер Ислам Каримовга қарши сиёсий бир рақиб сифатида чиқди ва президентлик сайловларида 33 фоиздан кўпроқ овоз олишга эришди; аммо бир неча соат ичида олинган овозлар 12 фоизга туширилди. Овоз беришда ва овозларни санаш пайтлари фирромликлар қилинди ва сайловнинг ҳақиқий натижаси ҳеч қачон эълон қилилмади. Ўзбек ҳукуматининг репрессияларига қарши Муҳаммад Солиҳ Парламент ваколатидан истеъфо этди ва шундан сўнг у давлат тўнтариши қилишга уринганликда айбланиб ҳибсга олинди. Аммо ҳукумат халқаро босим натижасида уни қамокдан чиқаришга мажбур бўлди ва шундан сўнг у ҳаёти хавф остида қолгани учун ўлкани тарк этишга мажбур бўлди. Муҳаммад Солиҳ 13 йилдирки, Оврупода яшайпти. Ўзбекистонга боролмайди, яна ҳам муҳимроғи, ўлкасида демократик кураш олиб боролмайди.

Муҳаммад Солиҳнинг адвокати Бриан Эттингер Солиҳнинг АҚШ ташрифи ҳақида берган интервьюсида: «Жаноб Солиҳнинг АҚШ ташрифи, Америка ҳукуматининг систематик одимлар сериясининг фақат биридир. Америка ҳукумати Каримов режимидан узоқлашишни ва ўлкада демократик сайловлар ўтказилишини истаяпти. Америка ҳукуматининг бу қарши Президент Жорж Бушнинг ўз президентлик вазифасига киришган пайтда сўзлаган нутқида уйғундир.

(ИХА Ахборот агентлиги)

МУХОЛИФАТ ЛИДЕРИНИНГ ВАШИНГТОН САФАРИ

01.07.2005

ВАШИНГТОН. Бирлашган Ўзбекистон Демократик Коалитсияси лидери Муҳаммад Солих Ўзбекистон учун Туркия моделини уйғун кўришини айтди

АҚШ маъмурияти таклифига биноан АҚШ пойтахти Вашингтонга келган Муҳаммад Солих, Ихлас Хабера Ажанси (ИХА) саволларига жавоб бера экан, иктидорга келажаклари ҳолда Ўзбекистон учун давлат бошқаруви сифатида Туркия моделини танлаш жакларини айтди.

Туркиянинг баъзи масалаларда заифликлари борлигини эътироф этиш баробарида М.Солих «Туркияда демократик бир модел бор, истаган мачитга боради, истаган арок ичади, аҳолиси мусулмон бўлган бир ўлканинг модели шундай бўлиши лозим, исломда зўрлаш йўқдир. Туркия модели Ўзбекистон учун қўлланиши мумкин бўлган ягона моделдир» деди.

Солих Туркиянинг «лойиқлик модели»ни Ўзбекистонда ҳам уйғунланиши кераклиги ҳақда гапираркан, аммо лойиқлик дегани динни йўққа чиқариш деган эмас, баъзилар лойиқликни атеизм дея тушунадилар, бу нотўғридир, деди.

АҚШнинг Ўзбекистондаги ҳарбий базалари ҳақда савол берилганда М.Солих: «Турк жумҳуриятлари ўлароқ биз Чин ва Русия сингари иккита буюк давлат ўртасида яшамокдамыз, уларга қарши тура оладиган ҳарбий кучимиз йўқ, ўлкада бизга таҳдид этмаган бир давлатнинг борлигини Чин ва Русия борлигидан афзал кўраман, дея жавоб берди. АҚШ ҳарбий базасининг борлиги ўзбек халқи ҳаётига муҳим таъсир ўтказгани ҳақда гапираркан, айни пайтда АҚШ бу ердаги ўз ҳарбий базасини йўқотиш ҳавотири билан Каримов зулми қаршисида сассиз қолмаслиги лозимлигини эътироф этди. АҚШ инсон ҳақлари борасида Ўзбекистонга босим ўтказиши ва

агар керак бўлса, ўз талаблари бажарилмаган тақдирда, ўзи олға сурган озодлик ғоялари йўлида ҳарбий базалардан ҳам воз кечишга тайёр бўлиши кераклигини гапирди.

Ўзбекистондаги исломий гуруҳлар Фарбни чўчитаётгани ҳақдаги саволга М.Солих: «ўлкада исломий гуруҳлар Каримов лоф қилгани каби кўп эмас, Каримов бу ёлғонни Фарбдан ёрдам олиш учун ўйлаб чиқарди, Фарб ҳам бу ёлғонни ютди. 1999 йилги Тошкент портлашлари Фарбни ишонтирди, аммо бу портлашларда Каримовнинг қўли бордир» дея жавоб берди. Андижондаги қамоқхонанинг қуролли гуруҳ томонидан босиб олинишида ҳам Каримовнинг қўли борлигини айтган М.Солих исломнинг террорга қарши эканини эътироф этди.

Ўзбекистон мухолифати лидери М.Солих ўзининг АҚШ маъмурияти вакиллари билан учрашувларидан чиқарган хулосасига кўра, яқин вақт ичида АҚШ маъмурияти Каримовга қарши тадбирини маълум қилажагини айтди.

(ИХА Ахброт агентлиги)

СУРГУНДАГИ БИР ДАРВЕШ

Ҳасан Масуд Хазар

Вашингтон Бюромизга ташриф буюрган Ўзбекистон Мухолифат лидери ва ЭРК Партияси раиси Муҳаммад Солих шараф дафтари-мизга «Сургундаги бир Дарвиш» дея имзо кўйди. Муҳаммад Солих бей икки ҳафта давомида АҚШда бир қатор учрашувлар ўтказди. Ҳафта бошида Олмонияга қайтаркан ҳорғин аммо учрашувларнинг самарали ўтгани ва Вашингтонда кўрган қабул ва катта эътибор туфайли севинчли эди. Сургун ҳаёти Турк Дунёсининг бу визионли (узокни кўрувчи) лидерини яна ҳам юксалтирганди. Зотан, Ўзбекистоннинг баракатли ва маънавий иқлими ила бир «Хуросон эрани» ўлароқ ҳам коммунист Совет режими замонида озодлик курашини бошлаган Солих бей... Чеккан чилласи, кўрган тазйиклари уни ҳеч синдирилмади. Ичидаги инсон севгисини ва Оллоҳга таваккул-таслимотини ҳеч озайтирмади.

Каримов тарафидан ҳибсга ташланганида ҳам сесканмади. Мухолифатдан воз кечса, ўзига таклиф этилган мақом ва мавқеларни қўлининг терси билан рад этди. Зиндонда хуррият ва адолат машъ-

аласини ёкишда давом этди. Шоир руҳининг тараннумлари ва севги тўла қалби ила мазлум Ўзбек халқи учун бошлаган мужодаласидан асло воз кечмади.

Зиндондан сургунга

АҚШ ва Инсон ҳақлари ташкилотлари ва шунингдек, дунё жамоатчилиги босқиси ва талаблари туфайли Ўзбекистоннинг темир муштли раҳбари Каримов уни ҳибсдан чиқариб, сургунга юборди. Шундай қилиб, Муҳаммад Солих 1990 йиллар бошида чиллалли сургун ҳаётини бошлади. Каримов ҳатто унинг Туркияда қолишини ҳам истамади. Бугун Норвегия ҳукумати тарафидан берилган саёҳат ҳужжати ила Олмонияда туриб курашини давом эттирмади.

АҚШда ўтказган икки ҳафталик муваффақиятли кўришмалар билан бирга Ўзбек мухолифатини қувватли бир том остида тупланиши севинчли ҳам яшаётган эди. Солих бей АҚШдаги тадқиқот марказарида чиқишлар қилди. Ўзбекистон муаммоларини ва хуррият мужодаласини тушунтирди. АҚШнинг ташқи сиёсатининг бегилаб берувчи бу муҳим тадқиқот марказарининг энг нуфуз-

ли вакиллари билан учрашувлар ўтказди. Ўзбекистон ва Ўрта Осиёдаги жараёнларга боғлиқ мавзуларда ўз кўришларини ифода қилди ва унинг бу кўришларини АҚШ Конгресси аъзолари ҳам маъқуллади. АҚШ раҳбариятининг нуфузли вакиллари билан кўришди. АҚШ Конгресси Хелсинки Комиссияси унинг учун махсус ташкил этган учрашувда қатнашди. Андижон воқеаларининг асл моҳиятини очиб берди ва Ўзбекистон халқининг аянчли аҳволини баён этди.

Сафари сўнгида Солих бей ила бюромизда узок суҳбатлашди. Фақат Ўзбекистоннинг эмас, бутун Турк Дунёсининг умиди бўлган лидерлардан бири Муҳаммад Солихнинг бу ибрат тўла буюк мужодаласининг бир кун муваффақият-ла яқунланажагига ишонамиз. Ўзбек халқининг у ёққан озодлик кураши нурида яқин бир вақт ичида демократияга эришишини тилаймиз.

Турк Дунёси Муҳаммад Солих каби лидерлари бор экан, келажакка умид билан қарайди. Иншоллоҳ, Туркиямиз ҳам Турк Дунёсига бўлган қизиқишини керакли савияда юксалтиражак. Шу зайл озодлик йўлида азоб чекаётган қондошларимизнинг демократия ва эркинлик йўлидаги курашларига ёрдам қўли узатилар.

(«Туркия» газетаси, 15.07.2005)

МУСКУЛ ВА СУЯК КАСАЛЛИКЛАРИ

Кубро К., (эркин мутахассис) ҳикоя қилади:

“Мен 40 ёшда 3 бола онаси, интенсив суръатда ишлаган аёлман.

Иккинчи боламдан бошлаб, белим тез-тез оғриб туради. Хатто белимда боғланишлар бўлиб туради, юраолмайдиган ҳолга тушиб қоламан. Ўша пайтда борган ортопед профессор барча бўғимларимнинг рентгенини сўради ва “бўғим туберкулёзи” ташхисини кўйди.

Бошқа профессорга бордим.

У бу ташхиснинг ногўғри эканини айтиб, “сакро илейид” ташхисни кўйди. Бу воқеа менга ҳар шифокорнинг ташхисига ишонавермасликни ўргатди.

Иккинчи болам фақат 6 ой она сути эмди, зўрласам ҳам эмиза олмадим.

Ҳозир бунинг сабабини тушундим. Бел оғриғим учун берилган дорилар сутимни бузган болам шунга ичишни хоҳламаган экан.

Кейинроқ бўйнимда оғриқлар бошланди. Кейин қаерда бўлса ҳам барча суякларим бирин бирин оғир ҳолга келди.

2 марта буйрак тоши олдирдим. Буйракларим тўхтамай оғрир эди, ҳар кеча ёки эрталаб буйрак оғриғи билан уйғонар эдим.

Ҳолсизлик ва чарчаш, ёз иссиқларида кучсизлик қобусдек келарди. Жойимдан зўрға турар, “инсон ҳар кун ҳам касал бўлмайдику” деб кун кечирар эдим.

Тез-тез депрессия бўлар, бир мусулмоннинг бундай ҳолга тушишини ҳазм қила олмас эдим.

Ошқозоним болагимдан бери оғриб турарди. Вақти-вақти билан ошқозонимда оғриқ, ёниш, тирналиш ва увилиш бўлиб турар эди.


Худого шуқр, дори ишлатмадим, ҳар доим узоқ турдим. Фақат ўзимни мажбур ҳис қилганимда, кейин пушаймон бўлмай, деб ичардим. Табиийки, туғишлардан кейин.

4 йил аввал бачадондан 7 сантиметрлик миома олинди.

Бу орада ичакларим, бошимда кизиш ва увилиш бошланган эди. Ишлаб бир муддат ишлай олмайдиган бўлар, бошимни ушлаб тураолмас ҳолга келардим. Бир муддат ётиб дам олмасдан, ўзимга кела олмасдим.

Хусусан, эрталаблари танамни титратган юрак ўйнашлари бор эди. Тез тез грипп бўлар, кейин узоқ муддат аксаларга тутилдим. Томоғимдаги фарангейтдан бир бет маттни овоз чиқариб ўқий олмасдим.

3 йил аввал бел оғриғи учун шифокорга борганимда тромбоцит микдорининг юқори экани аниқланди. Суяк оғриғи олиниб “сабаби топилма-



ган тромбоцит юқорилиги” ташхисни кўйилди. Бу касалликнинг кўшалок хавфи борлиги айtilди: ҳам кўп ишлаб чиқарилгани учун тромбоцитларнинг сифати тушар ва вазифасини қила

олмас, ҳамда қон кўп қуюқ бўлгани учун тромб(тиккин) хавфи бор эди.

Тромбоцит микдорини тушириш учун “hydrea” номи дори берилди. Бу дорини ичарканман, бошқа қон моддалари камай бошлади, бу мени янада бузовга қилди. Бир бошқа номи чиққан гематолог профессорни хориждан фақатгина тромбоцит микдорини тушуришини айтган, жуда қиммат дори (tromboreduktin, бир кутиси 600 Евро) олиб келишимизни тавсия қилди. 3 ойгача уни ичдим лекин на шикоятларим тугади, ва на тромбоцит микдорини тушиш бўлди, “Аллоҳим, мен сендан келганга розиман”, деб дориларни ташладим.

Орадан қисқа муддат ўтиб танишим кимёвий дори ишлатмасдан даволайдиган шифокор ҳақида гапириб қолди.

Ойдин Солих хоним Қуръон ва суннатга таянган даволашини ва соғлом бўлишни айтганларга амал қилинса, муаммолардан қутулиш ҳақда бизга нақадар мантиқли билгилар берганини кўрдик.

Аммо оч қолмасдан, бу ҳикматни тушуниш қийин.

Очликдан аввал 3 ҳафта тайёргарлик муддатидан кейин жигар тозаланиши қилдим. Бу 3 ҳафтада ўзимни жуда енгил ҳис қилдим, яна 4-5 кило ташладим.

3 кунлик очликлар тутарканман, кўрдимки, 3 кун оч қолишда инсон хатто ҳолсиз ҳам бўлмайди, очликни ҳис ҳам қилмайди!..

Илк 3 кунлик очликнинг 2-нчи куни оқшомдан белимда ва ундан пастда барча суякларимда чидаб бўлмайдиган оғриқлар бўлди. Оғриқларга сабр қилдим чунки уларнинг бўлишини, тананинг ўз-ўзини даволаши эканлигини энди билар эдим.

3-нчи кун ўзимни жарроҳликдан янги чиққандек ҳис қилдим. Кўзларим туманли, енгил увушиш бор эди. 4-нчи кун эрталаб мева суви ичишни бошлаганимда улар тугади.

Кейинги очликларда унчалик оғриқлар бўлмади. Пайти пайти билан иссиғим чиқди, титрашлар бўлди.

Бу даволанишдан аввал қандай касал бўлсам иссиғим кўтарилмаганини эслайман.

Бошимдан қон олдирганимдан кейин танага роҳат кирди, худди дунёнинг ранги очилиб, устида туман бўлиб, йўқолгандек.

Ҳозир берилган давони тугатиб, юқорида айтган шикоятларимнинг ҳеч қайсини ҳис қилмайман, худого шуқр. Ҳеч қандай ҳаракат қилмасдан 12-13 кг оздим.

Бунчалик қисқа вақт давомида барча шикоятларим тугагини аввал менга айтишсайди, ишонмасдим!

Танамнинг умумий ҳолати ҳам ўзгарди. Ҳам танам, ҳам руҳим кучли, худди 20-25 ёшга ёшаргандекман. Аслида, 20 ёшимда ҳам бунчалик соғлом ва кучли эмасдим.

Бу орада, бир кун кўп қаватли уйда зинадан йиқилдим. Бел-думба аралаш қаттиқ оғриқ пайдо бўлди. Атрофимдагилар тезда шифокорга кўринишни, МР олдиришни таклиф этишди, лекин қабул қилмадим. Ҳеч қандай дорисиз гиёҳлар билан тайёрланган зайтунёғи билан массаж қилдим ва 10-15 кун ичида оғриқларим ўтиб кетди.

Бу йиқилиш билан аввал билган “Касалликларга сабр қилсангиз гўштингиз ўрнига янада яхшироқ гўшт, қонингиз ўрнига янада яхшироқ қон берамиз,” маъносидаги Қудсий Ҳадиснинг ҳақиқий маъносини тушундим.

Ҳозир тез-тез касалидан шикоят қиладиган бел оғриғини тамоман унутганман.

Ойдин хонимнинг берган даволанишни эшитиб “буларни қандай қиларканман” деб ўйлагандим. Аммо бу даволаниш услубини қўллагандан кейин, кўрдимки, замонга (ой ва ҳафталарга)ёйилган программани уйгулаш ҳеч қийин эмас экан.

Кишилар даволанишдан аввал ва кейин нималар ҳис қилишларини билсалар эди, оғир кўринган, аммо замонавий тиббиёт давосига қараганда осон ва аниқ натижа берган бу даво услубини ўн баробарини яхши кўриб қилишар эди”.

ОЙДИН СОЛИХ

“Ҳақиқий тиббиёт” китобидан
(Давоми келгуси сонда)



“Эркин Юрт” интернет-газетаси
www.uzxalqharakati.com/erkinyurt
Мустақил манбааларнинг
маълумотларидан фойдаланилди.
Масъул муҳаррир
Камолитдин Йўлдош